БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 181 (412)

11 СЕНТЯБРЬ ЯКШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тиийн.

БУГУНГИ СОНДА:

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федерал Республикаси ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар. Ўртоқ Н. А. Булганиннинг кириш нутқи, К. Аденауэр баёноти (1—2-нчи бетлар).

Н. А. Булганин ҳузурида К. Аденауэр жаноблари ва Германия Федерал Республикаси Ҳукумат делегацияси шарафига зиёфат (1-нчи бет).

Болгария Халқ Республикаси элчихонасида қабул маросими (2-нчи бет).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА (2-нчи бет).

М. Прасолов. — Фан блан ишлабчиқариш ўртасидаги ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлайлик (2-нчи бет).

Бутун куч ва моддий техника воситаларини пахта териш ва тайёрлаш сур'атини янада кучайтиришга сафарбар этайлик (3-нчи бет).

Илмий-техника ҳамкорлиги юзасидан Совет-Румния комиссиясининг олтинчи сессияси бўлиб ўтганлиги тўғрисида ахборот (4-нчи бет).

Қурол-яроғларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлашга доир муҳим масалалар юзасидан бир фикрга келиш керак. БМТ қуролсизланиш комисиясининг кичик комитетида (4-нчи бет).

Софияда парад ва намойиш (4-нчи бет).

Пахта йиғим-теримида кўпминг килограммчилар ҳаракатини янада кенгайтирайлик

Областимизнинг колхоз ва совхозларида пахта териш ва уни давлатга топшириш ишлари кун сайин кучайиб бормоқда. Ма'лумки, пахта йиғим-терими — пахтачиликда энг мас'улиятли давр бўлиб, кўп меҳнат талаб қиладиган ишдир. Ҳозир барча партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари ва бутун пахтакорларимиз олдида ёз бўйи фидокорона меҳнат қилиб етиштирилган мўл ҳосилни сра нобуд қилмай тезроқ йиғиб-териб олиш ва уни давлатга топшириштек гоят мас'улиятли вазифа турипти. Бу вазифани муваффақиятли бажариш йиғим-терим ишларини уюшқоқлик блан ташкил этишни, теримчиларнинг унумли ва баракали ишлашини та'минлашни, меҳнатни тўғри уюштиришни талаб қилади.

Теримчи — пахта йиғим-теримида марказий фигурадир. Терилган пахталарнинг кўпайиши пахта теримида қатнашаётган кишиларнинг сонига, уларнинг самарали ишлашига, белгиланган нормаларни тўла ва ошириб бажаришига боғлиқдир.

Илгор теримчилар ва механик-ҳайдовчиларнинг область кенгаши қатнашчилари барча колхозчилар ва совхоз ишчиларига қарата пахтакорлар ўртасида КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани янада кучайтириб юбориш, 5—10—15 минг килограммчилар ҳаракатини кенг авж олдириш ҳақида Мурожаат қабул қилган эдилар. Бу Мурожаатда бундай дейилади:

«Ҳарбир колхозчи ва совхоз ишчиси ҳосилнинг тақдири учун жавобгар эканликларини чуқур хис этишлари, ўзларининг мамлакат олдидаги ватанпарварлик бурчларини бажаришда сабот кўрсатишлари, мавсумда 5—10—15 минг килограммдан пахта терib беришга эришувларини керак.

Биз барча колхозчилар ва совхоз ишчиларини 5—10—15 минг килограммчилар бошлаган социалистик мусобақага қўшилишга чақирамиз. Областимиз пахта далаларининг барча меҳнаткашлари оммавий равишда бу мусобақага қатнашганларидатина ҳарбир звено, бригада, колхоз ва совхозда олинган социалистик мажбуриятнинг сўзсиз бажарилиши та'мин этилади».

Илгор теримчилар ва механик-ҳайдовчиларнинг Мурожаатига амалий иш блан жавоб бераётган минглаб чевар теримчилар дастлабки кунларданоқ терим нормасини бирярим—икки баробардан ошириб бажармоқдалар. Ўртачирчиқ районидаги Максим Горький номли колхознинг илгор теримчиси Ўртоқ Сафаргул Бегимқулова кўпминг килограммчилар ҳаракатига қўшилиб теримнинг биринчи кунларидан бошлаб 200 килограммдан ошириб пахта тераётир. Оққўрғон районидаги Ворошилов номли колхозда 15 минг килограммчилар ҳаракатининг ташаббусчиси бўлган Ўртоқ Вакила Абдураҳимова мавсумда 18 минг килограмм пахта териш мажбуриятини олиб кунлик терим нормасини 2—2,5 баравардан бажармоқда. Ҳозир колхозда Ўртоқ Абдураҳимовадан ўрнак олиб 10—15 мингкилограммчилар сафига қўшилган теримчилар 130 кишига етди. Октябрь районидаги Сталин номли колхознинг 120 чевар теримчиси ўзаро социалистик мусобақага қўшилиб теримда юқори кўрсаткичларга эришдилар. Турсунова, Жўрабоева сингари илгор теримчилар бир-бирлари блан мусобақалашиб, кунига 270 килограммга етказиб пахта тераётирлар. Теримни уюшқоқлик блан бошлаб, теримчилар ўртасида социалистик мусобақани авж олдирган Чиноз районидаги Сталин номли колхозда кунига йиллик планнинг 2 процент миқдорида пахта терилиб давлатга топширилаётир.

Далаларда қийғос очилаётган пахталар ҳарбир колхоз ва совхозда пахта териш ва тайёрлаш юзасидан белгиланган кундалик топшириқни тўла ҳамда ошириб бажариш имкониятини беради. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари, колхоз правлениелари ва совхоз дирекциялари теримчиларнинг тўлиқ далага чиқишларини та'минлашлари, теримни пухта ташкил қилиб, бутун куч ва воситаларни ишга солиб, терим сур'атини янада кучайтиришлари керак. Айниқса бу соҳада пахтани икки қўллаб тераётган чевар теримчиларнинг ютуқларини ҳамма бригада ва звено а'золари ўртасида кенг оммалаштириш катта аҳамиятга эгадир.

Илгор теримчилар ва механик-ҳайдовчиларнинг область кенгашида, шунингдек районларда бўлиб ўтган теримчиларнинг район кенгашларида сўзга чиққан ўнлаб теримчилар мавсумда 10—15—20 тоннадан пахта терib беришга аҳд қилганликларини айтдилар ва бир-бирлари блан социалистик мусобақа ўйнадилар. Колхоз, совхоз бошлангич партия ташкилотлари, район партия комитетларининг МТС зонаси бўйича инструкторлик группасининг ходимлари кўпминг килограммчиларга мусобақа шартларини бажаришда ёрдам беришлари, уларнинг иш тажрибаларини кенг оммалаштиришда ташкилотчилик кўрсатишлари керак. Илгор теримчиларнинг учрашувини ташкил қилиш, уларнинг олган мажбуриятларини қандай бажараётганликларини бошқа теримчиларга сўзлаб бериш—терим сур'атини оширишга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, кўпминг килограммчилар сафини кенгайтиришга ёрдам беради.

Ҳарбир теримчининг унумли ишлаши учун колхоз правлениелари ва совхоз дирекциялари далачилик бригадаларида иссиқ овқат ташкил этишлари, болалар боқчаси ва яслисининг нормал ишлашларини та'минлашлари, колхозчиларга ва совхоз ишчиларига маданий-маиший хизматни янада кучайтиришлари лозим.

Кўпминг килограммчилар сонини кўпайтириш далада меҳнатни тўғри ташкил қилишга боғлиқ. Бригадада соатли графикни кенг жорий қилиш — ҳарбир теримчининг ҳар соатда меҳнат унумини оширишига, пахтани сортларга ажратиб теришига ва нобудгарчиликка йўл қўймасликка имкон беради. Бу тадбир ҳарбир теримчини вақтни бекорга ўтказмасликка ва иш соатидан тўғри фойдаланишга ўргатади. Ҳарбир бригадада ишни шундай ташкил қилиш керакки, терилган пахтани теримчидан бевосита даланинг ўзида қабул қилиб олишга эришилсин.

Пахтани сортларга ажратиб териш — тўқимачилик саноатимизни а'ло сифатли хом'ашё блан та'минлашнинг ва колхозчилар моддий фаровонлигини янада оширишнинг энг муҳим шартидир. Пахтанинг кўп қисмини биринчи ва отбор сортларга топшириш ва ҳарбир килограмм пахтанинг тоза терилишига эришиш учун етилмаган хом пахталарни теришга мутлақо йўл қўймаслик лозим. Лекин ҳали ба'зибир район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари бу ишга юзаки қарамоқдалар. Пахтани отбор ва биринчи сортларга топширган колхозчиларга, совхоз ишчиларига белгиланган баҳодан ташқари қўшимча ҳақ тўланишини яхши тушинтирмаётирлар. Бунинг орқасида айрим жойларда яхши очилмаган хом пахталарни териш каби зарарли факт рўй бермоқда. Утган йили пахтани сортларга ажратиб теришда жиддий хатоликларга йўл қўйилган эди. Биргина Чиноз, Сирдар'ё районларининг ўзида пахтани сортларга ажратиб термаслик орқасида бирнеча юз минг сўм зарар кўринди. Пискент районининг айрим колхозларида бу йил ҳам ана шундай фактларга йўл қўйилмоқда. Сталин номли ва бошқа колхозларда очилмаган, хом пахталарни териш фактлари рўй бермоқда. Бундай аҳволга дарҳол чек қўйиш керак.

Яқин кунларда кўпгина механик-ҳайдовчилар теримчиларга ёрдамга чиқадилар. Терим машиналаридан тўла фойдаланиш пахта теримида жуда муҳим аҳамиятга эга. Машина блан пахта теришни бошлаш давригача далачилик бригадалари блан биргаликда терим машиналарининг унумли ишлашини та'минлаш учун зарур бўлган барча тадбирларни кўриш, айниқса бегона ўтларни йўқотиш, ўқариқларни кўмиб текислаш, машина қайриладиган жойларни тўғрилаб қўйиш керак.

Теримчилар ўртасида кўпминг килограммчилар ҳаракатини кенгайтириб, КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақани янада авж олдирайлик, пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан ўз зиммамизга олган социалистик мажбуриятни шараф блан бажариш учун бутун куч ва ғайратимизни сафарбар этайлик.

Н. А. Булганин ҳузурида К. Аденауэр жаноблари ва Германия Федерал Республикаси Ҳукумат делегацияси шарафига зиёфат

9 сентябрьда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин Катта Кремль саройида Германия Федерал Республикасининг Москвага келган Федерал Канцлери доктор К. Аденауэр ва ГФР ҳукумат делегацияси а'золари шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Федерал Канцлер К. Аденауэр, Ташқи ишлар министри доктор Г. фон Брентано, Ташқи ишлар министрлигининг статс-секретари доктор В. Хальштейн, Федерал Канцлер Канцеляриясининг статс-секретари доктор Г. Глобке, Элчи Г. Бланкенхорн, министериальдиректор доктор В. Греве, Хўжалик министрлиги ташқи иқтисодий бўлимининг раҳбари доктор Г. Рейнхардт, Ташқи ишлар министрлиги савдо-сиёсий бўлимининг раҳбари доктор Г. Ван Шерпенберг, Ташқи ишлар министрлиги маданият бўлимининг раҳбари доктор Г. фон Трютцшлер, Элчи Ф. фон Эккардт, Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг бошлиғи Вакил доктор Э. Г. Мор, Вакил доктор фон Вальтер, министериальдиригент доктор У. Мюллер, доктор Г. Кох, Бундесрат ташқи ишлар комиссиясининг раиси К. Арнольд, Бундестаг ташқи ишлар комиссиясининг раиси К. Г. Кизингер ва бу комиссия раисининг ўринбосари К. Шмид ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда совет томонидан Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, Ташқи савдо министри И. Г. Кабанов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари А. А. Громико, В. В. Кузнецов ва В. С. Семёнов, Москва Совети Ижроия комитетининг Раиси М. А. Яснов, СССР Министрлар Советининг мас'ул ходимларидан Н. П. Цигичко, СССР ТИМ 3-нчи Европа бўлимининг мудири С. Г. Лапин, СССР ТИМ Протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федерал Республикаси ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар

9 сентябрьда Москвада эрталаб соат 11да Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федерал Республикаси ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар бошланди.

Музокаралар Совет Иттифоқининг ташаббуси блан олиб борилмоқда. Совет Иттифоқи 7 июньдаги нотасида СССР блан ГФР ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришни ва шу мақсада ҳар иккала давлат ўртасида бевосита дипломатия ҳамда савдо муносабатлари, шунингдек маданий муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишни таклиф этган эди.

Музокараларда Совет Иттифоқи томонидан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин (делегация бошлиғи), СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчев, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари М. Г. Первухин, Ташқи савдо министри И. Г. Кабанов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов қатнашмоқдалар.

Музокараларда Германия Федерал Республикаси томонидан — федерал канцлер доктор К. Аденауэр (делегация бошлиғи), Ташқи ишлар министри доктор Г. фон Брентано, Ташқи ишлар министрлигининг статс-секретари доктор В. Хальштейн, Федерал канцлер канцеляриясининг статс-секретари доктор Г. Глобке, элчи Г. Бланкенхорн, министериалдиректор доктор В. Греве, Хўжалик министрлиги ташқи иқтисодий бўлимининг раҳбари доктор Г. Рейнхардт, Ташқи ишлар министрлиги савдо-сиёсий бўлимининг раҳбари доктор Г. Ван Шерпенберг, Ташқи ишлар министрлиги маданият бўлимининг раҳбари доктор Г. фон Трютцшлер, элчи Ф. фон Эккардт, Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг бошлиғи элчи доктор Э. Г. Мор, элчи доктор фон Вальтер, министриалдиригент доктор У. Мюллер, доктор Г. Кох қатнашмоқдалар.

Музокараларда бундесрат ташқи ишлар комиссиясининг раиси, Шимолий Рейн—Вестфалия ўлкасининг бош министри К. Арнольд, бундестат ташқи ишлар комиссиясининг раиси К. Г. Кизингер ва бу комиссия раисининг ўринбосари К. Шмид ҳам қатнашмоқдалар.

Музокаралар Н. А. Булганиннинг кириш нутқи блан очилди.

Шундан кейин федерал канцлер доктор К. Аденауэр баёнот берди.

(Баёнотларнинг текстлари қуйида босилади). (ТАСС).

Ўртоқ Н. А. Булганиннинг кириш нутқи

Канцлер жаноблари, жаноблар!

Канцлер жаноблари, Сизни ва Германия Федерал Республикасининг Ҳукумат делегациясини Совет Иттифоқининг пойтахти Москвада Совет Ҳукумати номидан табриклайман.

Бугун бошланадиган музокараларимиз олдидан Совет Иттифоқи Ҳукумати ва Германия Федерал Республикаси Ҳукумати бир-бирларига ноталар юборib турдилар. Сизларга ма'лумки, Совет Ҳукумати Германия Федерал Республикасининг Ҳукуматига мурожаат қилиб, ҳар иккала мамлакат ўртасида бевосита дипломатия ва савдо муносабатлари, шунингдек маданий муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишни таклиф этган эди.

Совет Ҳукумати мамлакатларимиз ўртасида нормал муносабатларнинг ўрнатилиши Совет Иттифоқининг ҳам, Германия Федерал Республикасининг ҳам манфаатларига мувофиқдир, деган фикрга асосланди. Муносабатларнинг шу тарзда нормаллаштирилиши Европада тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро муносабатларда кескинликни янада камайтириш вазифасига жавоб беради. Ҳар иккала мамлакатимиз ҳам бундан астойдил манфаатдор бўлолмаслиги мумкин эмас.

Бўлиб ўтган икки жаҳон урушида Совет Иттифоқи ва Германия халқлари жуда кўп қурбон бердилар ва моддий жиҳатдан жуда катта талафот кўрдилар. Кейинги жаҳон уруши келтирган жуда катта вайронгарчиликларнинг оқибатлари ҳали ҳам тўла равишда йўқотилган эмас. Гитлерчи босқинчиларнинг жиноий ҳарбий авантюраси натижасида миллион-миллион совет оилалари ўзларининг энг яқин кишиларидан жудо бўлиб янада оғир мусибатга учрадилар. Бу авантюра натижасида миллион-миллион немис оилалари ҳам жафо чекди. Бундай талафотларнинг ўрнини қоплаб бўлмайди.

Тарих, ҳар икки халқ ўртасидаги муносабатларда бўлган душманлик ва совуқчилик даврлари уларга фақат машаққат ва кулфат келтирганлигини яққол кўрсатади ва бунинг аксича. Совет Иттифоқи ва Германия халқлари ўзаро яхши муносабатларда бўлиш ва бир-бирлари блан ҳамкорлик қилиш орқасида доим катта манфаат кўрдилар.

Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасида нормал муносабатлар ўрнатилишидан Европанинг бошқа халқлари ҳам манфаатдордирлар. Муайян доираларнинг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишига халақит бериш ва Совет Иттифоқи блан Ғарбий Германия ўртасида душманлик тўғдириш мақсадида нормал муносабатларнинг йўқлигидан фойдаланиш планларини тузганликлари муносабати блан бу халқларнинг ташвишланишлари учун ҳамма асослари бор. Европада янада кўпроқ вайронгарчилик келтирадиган уруш хавфини тўғдирадиган бундай планлар Европа халқларининг хавфсизлигига таҳдид қилмоқда. Шу сабабдан Европада тинчликни мустаҳкамлашга интилаётган киши Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг нормаллаштирилишини истамаслиги мумкин эмас.

Бир-бирларига ишонишга ва бир-бирларининг манфаатларини ҳурмат қилишга асосланган нормал муносабатларнинг ўрнатилиши мамлакатларимиз ўртасида тинч ҳамкорлик ўрнатиш йўлидаги ғовларни йўқотган бўлар эди ва бу блан Европа халқларининг хавфсизлигини мустаҳкамлашга ёрдам берган бўлар эди.

Совет халқи кейинги уруш вақтида кўп қурбон берган ва кўп вайронгарчиликларга учраган бўлса ҳам, герман халқига нисбатан ёмон ниятда эмас. Жумладан, Совет Иттифоқи блан Германия Демократик Республикаси ўртасида яхши, дўстона муносабатлар ўрнатилганлиги буни кўрсатиб турибди. Бу муносабатлар тенгҳуқуқлилик, суверенитетни ўзаро ҳурмат қилиш ва ички ишларга аралашмаслик принципларига асосланиб тобора ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Аммо, Совет ҳукумати Германия Федерал Республикаси блан ҳам яхши муносабатларда бўлиш учун қўлидан келган бутун чораларни кўришни истайди. Совет Иттифоқи ва Германия халқларининг манфаатларини, шунингдек Европада тинчликни сақлаш манфаатларини назарга олганда, бундай муносабатларни ўрнатишга халақит берадиган ғовлар бўлмаслиги керак, деб ўйлаймиз.

Ҳаммага ма'лумки, тўрт давлат Ҳукуматлари Бошлиқларининг Женева Кенгаши халқаро кескинликни юмшатишга ёрдам берди. Ҳозирги вақтда халқларнинг бир-бирлари блан яқинлашувлари учун, улар ўртасида зарур ишонч ўрнатиш учун керакли имкониятлар яхшиланди. Ҳар икки мамлакатимизнинг кенг жамоатчилиги буни қўллаб-қувватлади ва бунга ҳайрихоҳлик блан қарадики, бу табиий бир ҳолдир. Бу эса, давлатларимиз ўртасида бевосита дипломатия муносабатлари ўрнатиб, улар ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш зарур эканлигини янада кўпроқ талаб этади.

Ма'лумки, Совет Ҳукумати бу ерда Германиянинг бирлигини қайтадан тиклаш тўғрисидаги масала юзасидан фикр олишига розилигини билдирди. Шу блан бирга, Париж битимлари кучга кирганидан кейин йўлда пайдо бўлган жиддий ғовлар блан ҳисоблашмай бўлмайди. Париж битимларига мувофиқ, Германия Федерал Республикаси ма'лум ҳарбий гуруҳларга қўшилди ва Ғарбий Германия ремилитаризация қилинмоқда. Бундан ташқари, қуйидагиларни та'кидлаб ўтиш керак: Совет Ҳукумати Германияни қайтадан бирлаштириш тўғрисидаги масалани ҳал этиш даставвал немисларнинг ўз ишидир, деб доим э'тироф қилиб келди ва шу блан бирга, Германия Федерал Республикаси ва Германия Демократик Республикасининг мавжудлиги орқасида рўй берган реал шароит блан ҳисоблашиш зарурлигини ва ана шу муҳим масаланинг ҳал этилиши Европада тинчлик ҳамда хавфсизликни та'минлаш тўғрисидаги тегишли халқаро битимларга жавоб бериши лозимлигини кўрсатиб келди. Совет Иттифоқи Германиянинг бирлигини тинчликсевар ва демократик давлат сифатида қайтадан тиклашнинг доим тарафдори бўлиб келди ва бунинг тарафдори бўлиб қолади.

Совет Ҳукумати ишонч билдириб айтадики, СССР блан ГФР ўртасида дипломатия муносабатларининг ўрнатилиши ҳал этилмаган ва ҳар иккала томон манфаатдор бўлган масалаларни ҳал этишга ёрдам беради. Мамлакатларимиз ўртасида нормал муносабатларнинг йўқлиги герман халқининг асосий умуммиллий проблемасини ҳал этишда — герман демократик давлатининг бирлигини қайтадан тиклашда қўшимча қийинчиликлар туғдираётганлигини кўрмаслик мумкин эмас.

Юқорида айтилганларга биноан, Совет Ҳукумати Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш ва Боннда СССР Элчихонасини ва Москвада ГФР Элчихонасини тузиш тўғрисида бир қарорга келиш, шунингдек бир-бирларига элчилар юбориш ҳақида таклиф киритади.

Шу тўғрида зарур битимга келишимиз мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотиқни ривожлантиришга кўп жиҳатдан ёрдам беради. Биз, шу масала ҳақида ҳам фикрлашишни таклиф этамиз. Ма'лумки, ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасидаги савдо-сотиқ жуда чекланган бўлиб, барқарор характерга эга эмас. Ҳолбуки, бу ишни Германия Федерал Республикасига ҳам, Совет Иттифоқига ҳам фойда келтирадиган қилиб мустаҳкам асосга қўйиш имкониятлари мавжуддир. Шу блан бирга яқин йиллар ичида узоқ муддатга мўлжалланган тегишли битимлар асосида товар оборотини жиддий суратда ошириш ва ўзаро манфаат келтирадиган иқтисодий алоқани кучайтириш мумкин.

Совет Ҳукумати СССР блан ГФР ўртасида илмий, маданий ва техника ҳамкорлигини ўрнатиш ва ривожлантириш ҳам халқларимиз манфаатларига мувофиқ бўлар эди деб ҳисоблайди. Ҳар икки томоннинг саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, фан ва маданият вакиллари делегацияларини, шунингдек спорт делегациялари ва туристларни бир-бирларига юбориб туришларини йўлга қўйиш фойдали бўлар эди.

Биз шу музокаралар давомида муҳокама қилишни истаган масалалар шулардан иборат. Биз ана шу мулоҳазаларни айтганимизда, бир-бирларимизга ноталар юборган вақтда ГФР Ҳукумати ҳам мамлакатларимиз ўртасида дипломатия, савдо ва маданий муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги масалани, шунингдек бу блан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилиш учун розилик билдирганлигини назар-э'тиборга оламиз.

Сўзимнинг охирида бизнинг музокаралримиз халқларимизнинг манфаатлари йўлида, Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида самарали натижалар келтиради, Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга олиб боради, деб ишонч билдиришга рухсат этингиз.

К. Аденауэр баёноти

Министрлар Совети Раиси жаноблари!

Аввало меҳмон бўлиш сифатида ёқимли бурчимни адо этиб, шахсан ўз номимдан ва менга ҳамроҳ бўлиб келган кишилар номидан Сизга юборган таклифингиз учун, Сиз буерда бизни меҳмондўстлик блан қабул қилаётганингиз учун чин кўнгилдан ташаккур билдираман. Федерал ҳукумат ва менинг ўзим ҳам бу сафаримизнинг аҳамиятини яхши тушунамиз. Бу — Совет Иттифоқи блан герман халқи вакиллари ўртасидаги биринчи расмий учрашувдир, ҳар иккала томон ўртасида расмий муносабатлар бўлмаган кўп йиллардан кейин биринчи алоқа ўрнатиш бўлибгина қолмасдан, шу блан бирга ажралиш ва ёт бўлиб қолиш ҳисларини туғдирган ва сақлаб келган кўп воқиалар рўй берганидан кейин биринчи алоқа ўрнатишдир. Шу сабабли мен ҳаммамиз учун музокараларнинг бошланиши нақадар оғир бўлиши мумкинлигини ҳам тушунаман. Лекин шунга қарамай, бу музокараларнинг бўлиши зарурдир. Гарчи қат'ий географик ма'нода бўлмаса ҳам бизлар қўшнилармиз. Шундай кўп жиҳатлар борки, булар учун жавобгарликни Сизнинг ҳукуматингиз ва менинг ҳукуматим ўз зиммасига олган бу жиҳатлар бизларнинг халқларимиз тақдири учунгина ҳаётий аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, шу блан бирга ҳечбир муболағасиз айтиш мумкинки, умуман бутун дун'ёдаги аҳвол учун ҳам ҳаётий аҳамиятга эгадир. Бундай аҳволда шу музокараларни бошлаш ва олиб бориш учун асос бўлиши мумкин бўлган фақат битта позиция бор; у ҳам бўлса кўнгилдагини тўла равишда очиб ташлаш позициясидир. Мен Сизлардан, Жаноб Министрлар Совети Раисидан, Жаноблардан шу нарсага ишонишингизни сўрайманки, мен буерга мана шу музокараларни очиқ кўнгил блан олиб бораман деган ҳалол ният блан келдим. Биноварин, гарчи бу ишнинг бошланиши бўлса ҳам, бизнинг умидимизча, — самарали ва доимий фикр айирбошлашнинг бошланиши бўлса ҳам, ишнинг моҳиятига дарҳол киришмоқ учун ҳаракат қилишимизга ижозат берингиз. Сизларга герман халқининг ва унинг ҳукуматининг сиёсий йўлини белгиловчи асосий позицияни, шунингдек биз амал қилаётган ҳаракатлантиручи кучларни, сабабларни ва правард мақсадларни баён қилиб беришни мен ўзимнинг биринчи вазифам деб биламан.

Барча немислар муҳофаза қилиши лозим бўлган энг улуғ нарса бор, у ҳам бўлса тинчликдир. Кейинги урушда айниқса совет ва герман халқлари қанчалик кўп зарар кўрганлигини биз жуда яхши биламиз, шунинг учун ҳам мен ҳозирги замон уруши сабабли бўладиган вайронгарчиликлар дахшати, миллион-миллион одамларнинг ҳалок бўлиши дахшати, уй-жой бинолари ва корхоналарнинг емирилиши, шаҳарлар ва қишлоқларнинг ер блан яксон бўлиши дахшати ҳамманинг онгида чуқур из қолдирган деб айтсам тушунарли бўлади, деб ҳисоблайман. Бундан ташқари Германияда шуни ҳам биладиларки, бўлиб ўтган урушдан кейин атомни парчалаш соҳасида ва шунга тааллуқли бўлган соҳаларда табиёт фанлари ва техникада эришилган муваффақиятлар инсоннинг қўлига шундай емиручи воситаларни бердики, бу тўғрида ўйлаганимизда баданимиз ларзага келади. Ниҳоят, Германияда ҳамма шу нарсани биладики, қуролли конфликт бўлган тақдирда бизнинг мамлакатимиз ўзининг географик мавқе'и сабабли алоҳида хавф-хатар остида қолади. Шу сабабли Сиз, Германияда, ўзининг ҳал қилинишини кутиб турган катта сёсий проблемалардан биронтасини уруш воситаси блан ҳал қилиш мумкин деган фикрни лоақол ҳаёлига ҳам келтирган бирон кишини мас'ул сиёсий арбоблар орасидан топиш уёқда турсин, ҳатто бутун аҳоли орасидан ҳам тополмайсиз. Уруш ниҳоят даражада даҳшатли бўлганлиги сабабли унинг йўқотилишига астойдил интилиш бутун инсониятда кучайиб кетганлиги ма'лумки, бу интилиш немисларнинг қалбида ҳам кучли ва чуқур жойолган. Жанжаллар ва конфликтларни ҳал қилмоқ учун янги воситалар, халқаро бирдамлик ҳисларини ва халқаро ҳамкорликка асосланадиган воситалар топмоқ керак. Бу ҳозирги кунда давлат арбоблари ҳал қилиши лозим бўлган энг олижаноб вазифадир. Мана шуларнинг ҳаммаси биз учун фақат орзу ёки назариянинг эмас. Ҳукуматим ўз сиёсатини ўтказиш вақтида мана шу тариқа ҳаракат қилиш имкониятига қаердаки эга бўлган бўлса, ҳамиша шундай қилиб келди. Мен шу нарсани эслатиб ўтмоқчиманки, Федерал Республика куч қўлланишдан воз кечиш мажбуриятини алоҳида баёнотда ўз зиммасига олган. Бундан ташқари мен шуни эслатиб ўтишим мумкинки, республика ўзи тузган мудофаа шартномаларида атом, биология ва химия қуролларини ишлаб чиқаришдан ўз ҳоҳиши блан воз кечган.

Лекин тинчлик ўзининг хайрли самараларини бермоғи учун уни хавф остида қолдириш ярамайди, уни та'минламоқ керак. Ҳозирги халқаро аҳволнинг фожиали жиҳати шундаки, бизнинг янги давлатимиз Шарқ блан Ғарб ўртасидаги муносабатларнинг улуғ проблемалари ўз та'сирини қолдирган дун'ёнинг ичида қолди. Агар биз бундай вазиятда давлатларнинг каттароқ ташкилотига, асосан Ғарбий Европа Иттифоқи вужудга келтирилганлиги туфайли ва Шимолий Атлантик Пактига қўшилганлигимиз туфайли ёндашиб қолган эканмиз, биз тинчликни мустаҳкамлашни истаётганлигимизгина бунда ҳал қилучи роль ўйнади. Бу ғарб ташкилотидан агрессия воситаси сифатида фойдаланиш мумкин деган фикр бу ишда ҳечқачон ва ҳечбиркимсага роль ўйнамади. Ўз структураси жиҳатидан бу ҳар иккала шартнома агрессия воситаси бўлиб хизмат қилишга яроқли эмас.

Бундан ташқари, Ғарбий Европа Иттифоқи тузиш тўғрисидаги шартномада агрессив тенденциялар учун жазо чоралари кўришни кўзда тутучи шу қадар та'сирли моддалар борки, бу нарса бундай агрессив тенденцияларга ҳақиқатда бутунлай йўл қолдирмайди. Мен бу моддаларни шу қадар муҳим деб ҳисоблайманки, шу моддаларда хавфсизлик системасининг янада кенгроқ миқ'ёсларда қўлланилиши мумкин бўлган ва, шундай қилиб тагин ҳам кенгроқ хавфсизлик системасини вужудга келтиришга бемалол ёрдам бериши мумкин бўлган элементлари борлигини бундан бирнеча йил муқаддам кўрсатиб ўтган эдим. Мен бунда юқорида ўзим айтиб ўтган нарсани, я'ни куч қўлланишдан воз кечиш, агрессорни иттифоқчи бўлиш ҳуқуқларидан маҳрум этиш, ҳужумга учрагал мамлакатга ёрдам кўрсатиш мажбурияти, шунингдек қуролланишни чеклаб қўйиш ва қуролланиш устидан контроль ўрнатиш мажбуриятларини кўзда тутмоқдаманки, биз мазкур шартномага биноан шуларни амалга ошириши зиммамизга олганмиз. Шарқ блан Ғарб ўртасини ажратиб турган жарни тугатучи хавфсизлик системасини вужудга келтирадиган шароит қачон рўёбга чиқарилмасин, Федерал Республика бунда қатнашишдан бош тортмайди.

7 июньда бизга юборилган ва бизни таклиф қилганлигингиз ёзилган нотангизда Сиз, Министрлар Совети Раиси Жаноблари, «Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш»ни асосий фикр тарқасида уқтириб кўрсатгансиз. Менинг фикримча, Сиз бу блан бизларнинг ҳам Совет Иттифоқи халқлари блан муносабатларимизни расмийлаштирмоқ учун истаган нарсаларимизни, я'ни: тинчликни, хавфсизликни, иқтисодий ҳамкорликни ва кескинликка йўл қўймасликни хуллас қилиб айтиб бердингиз, шунинг учун ҳам Сизнинг нотангизда «Совет ва немис халқларининг миллий манфаатлари каби, тинчлик ва Европа хавфсизлиги манфаатлари ҳам» мана шу нормаллаштиришни «талаб қилади» деб айтган гапларингиз, албатта, ҳақ гаплардир.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

К. Аденауэр баёнотининг охири

Хўш, шу муносабатларнинг нормаллашувига негиз солмоқ учун нималар қилиш мумкин? Мен, урушни тақиқлаб қўйиш, хавфсизлик системаси вужудга келтириш ва ма'лум даражада механический йўл блан дипломатик, иқтисодий ва маданий муносабатлар ўрнатиш кифоя қилади, деб ҳисобламайман. Аксинча, мен шу нарсага чуқур аминманки, бизларнинг ўртамиздаги ғайринормал муносабатларни келтириб чиқараётган сабабларни кўздан кечириб, шу сабабларни йўқотмоқ учун мумкин бўлган куч ва ғайратларнинг ҳаммаси сарф қилинган тақдирдагина муносабатларни ҳақиқатан нормаллаштиришга эришмоқ мумкин. Шундай қилиб мен Федерал ҳукуматнинг 12 августдаги нотасида муҳокама талаб масалалар деб кўрсатилган икки комплекс масалаларга ўтмоқчиман. Совет ҳукуматининг 19 августдаги жавобидан биз шу нарсани мамнуният блан билиб олдикки, Сизнинг ҳукуматингиз, Министрлар Совети Раиси Жаноблари, шу масалаларни муҳокама қилишдан буёрда бош тортмоқчи эмас экан.

Совет Иттифоқи территориясида ёки совет та'сири остида турган мамлакатларда шу вақтгача қамоқда ётган ёки шу районлардан чиқиб кетишларига у ёки бу йўллар блан тўсқинлик қилнаётган немисларни озод қилиш масаласидан гап бошлашимга ижозат берингиз. Мен бу проблемани атайин биринчи қилиб қўймоқдаман, чунки, буёрда гап, ҳечбир истисносиз деб айтиш мумкин, ҳамма немис оилаларига таллуқли бўлган масала устида бормоқда. Бу проблемаларни қай руҳда муҳокама қилишни истаётганлигимни Сиз тўғри тушунишингизни мен астойдил хоҳлайман. Мени бу масаланинг фақат инсонпарварлик томони қизиқтираётир. Урош воқиалари гирдобига у ёки бу йўллар блан тортилган одамларнинг уруш ҳаракатлари тамом бўлганидан сўнг орала 10 йилдан кўпроқ вақт ўтиб кетганидан кейин ҳам ўз оилаларидан, ўз ватанидан, ўзининг нормал тинч меҳнатидан узоқлаштирилган ҳолда ҳанузгача ушлаб турилганлиги тоқат қилиб бўлмайдиган бир нарсадир. Бу масала ҳал қилинмас экан давлатларимиз ўртасида «нормал» муносабатлар ўрнатиб бўлмайди деб айтсам, Сиз менинг бу гапимни асло провокацион гап деб ҳисобласлигингиз лозим. Мен бу блан бирор «дастлабки шарт» қўяётганим йўқ. Мен айтаётган нарса нормаллаштиришнинг ўзгинасидир. Азоб-уқубатлар блан тўла бўлган ва орамизни ажратиб турган ўтмиш тўғрисидаги эсдаликларнинг ҳар кун манбаи бўлиб турган масалани энди узил-кесил ҳал қилиб олайлик.

Иккинчи проблема — Германиянинг давлат бирлиги проблемасидир. Менинг фикримча, Германиянинг парчаланиб туриши тоқат қилиб бўлмайдиган аҳволни туғдирмоқда ва Германиянинг бирлиги қайта тикланиши лозим деган масалада биз Сизнинг фикрингизга қўшиламиз. Менингча, бу бирликни қайта тиклаш национал-социалистик Германия маглубиятга учраганидан кейин Германияда олий ҳокимиятни ўз устига олган ва бутун Германия учун биргаликда жавобгарликни ўз зиммасига олган тўрт давлат устидаги мас'улиятдан келиб чиқаётган мажбуриятдир, деган фикрга ҳам биз қўшиламиз. Мен шу мажбуриятни далил қилиб келтираман. Мен шуни биламанки, мен Сиздан шу проблемани тезроқ ҳал қилмоқ учун бутун кучни сарф қилишни сўраётган вақтимда мен бу масалада шу блан бирга ва аввало, фақат Федерал Республика аҳолиси номидан эмас, ҳамма немисларнинг номидан гапираётирман. Шу мас'улиятни бажариб, Сиз Женевада шу масала устида ҳам уч ғарбий давлат блан музокаралар олиб бориш тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келгансиз. Тўрт давлат музокараларидан мустақил равишда буёрда икки томонлама музокаралар бошлашим блан мен Германиянинг бирлигига олиб келиши лозим бўлган процессни мураккаблаштирмоқчи эмасман. Лекин менинг қат'ий бурчим бу масаланинг бутун жиддийлигини Сизга кўрсатмоқ ва уни Сиз блан муҳокама қилмоқ учун, Женевадаги Сизнинг вазифангизни енгиллаштирмоқ ва бу вазифанинг бажарилишига кўмаклашмоқ учун бу учрашувдан фойдаланишдан иборатдир. Тўрт давлат йўл очиб берганларидан кейин немис халқи олдида ўз хоҳишини эркин билдириш йўли блан ва Европада яхши кўшничилик муносабатларини вужудга келтирмоқ учун ва бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамламоқ учун ўз жавобгарлигини англагани ҳолда, умумгерман давлати биносининг ички ва ташқи пардозини битказиш вазифаси пайдо бўлади.

Мен буёрда шу нарсани ҳам яна бир марта такрорлаб ўтишим лозим: мен ҳечқандай «дастлабки шартлар» қўяётганим йўқ. Мен нормаллаштиришнинг ўзи тўғрисида гапираётирман. Германиянинг парчаланганлиги ғайринормал бир ҳолдир. Бу парчаланганлик илоҳий ва инсоний ҳуқуққа ва табиатнинг ўзига зид бир нарсадир. Сиз блан гаплашаётган вақтимда бу ишнинг «реаллиги» тўғрисидаги важни олдинга суриш фойдали деб ҳисоблаймайман, чунки, бу парчаланганлик қолиши мумкин эмаслигига ва лозим эмаслигига ҳаммаинг амин эканлиги ҳал қилучи реал вазиятдир. Музокараларимиз вақтида бу масалада олга томон қадам қўйишга уриниб кўрайлик. Акс ҳолда, Европанинг қоқ ўртасида кескинликнинг жуда жиддий манбаи сақланиб қолиш хавфи бор. Германиянинг бирлигини қайта тикламасдан туриб, Европада чинакам хавфсизлик бўлиши мумкин эмас. Биз кризисларнинг мана шу хатарли манбаини бартараф қилишимиз лозим, бу манба' атрофида ғалва бошланиб кетиши осон гап, шунинг учун ҳам немис халқининг элементар талабини қондирмоқ учун ўз вақтида ҳаракат қилайлик.

Қайта бирлаштирилган Германия Совет Иттифоқи учун хатарли бўлур эди, деган э'тироз менга ма'лум. Аввало бунга жавоб қайтаришга ижозат берингиз. Бу жавоб шундан иборатки, Германия шартномаси барча қатнашчиларининг, я'ни Федерал Республика, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Франциянинг — баҳамжиҳат фикри шуки, Германия иттифоқларнинг бирор системасита ва қайси иттифоққа мансуб бўлади деган масала умумгерман ҳукумати ва умумгерман парламенти томонидан мутлақо эркин равишда ҳал қилиниши лозим. Агар Совет Иттифоқи Германия қайта бирлаштирилганлиги оқибатида Совет Иттифоқининг хавфсизлитига зарар етади деб ҳисоблайдиган бўлса, у ҳолда биз мана шундай хавотирликни ҳам бартараф қиладиган хавфсизлик системасида ҳамкорлик қилмоқ учун ўз қўлимиздан келган ҳамма нарсани қилишга тўла равишда тайёрмиз.

Менинг фикримча, Германиянинг бирлигини қандай қилиб қайта тиклаш мумкинлиги тўғрисида музокаралар олиб бориш блан бир вақтда, Европа учун хавфсизлик системасини ҳам ўйлаб кўриш керак. Дипломатик, иқтисодий ва маданий муносабатлар ўрнатиш масалаларини биргаликда муҳокама қилишга киришаётганимизда мана шу нарсанинг зарурлигини англаб, иш кўришимиз лозим. Мана шундай муносабатларни ўрнатиш ҳар иккала мамлакат учун ва уларнинг ўзаро муносабатлари учун жуда фойдали бўлиши мумкин, деган фикрга федерал ҳукумат қўшилади. Ҳар иккала ҳукумат ўртасидаги бевосита алоқа, ҳеч шубҳасиз, ҳар иккала томоннинг реал воқи'ликни тўғри тушунишга ва баҳолашга асосланган анча аниқроқ мулоҳазалар топишларига ёрдам беради. Ҳеч шубҳасиз, ҳар иккала мамлакатнинг иқтисодий шароитларида бир-бирларини тўлдириш имкониятлари мавжуддир. Маданий бойликлар ва илмий ишлар айирбошланишини қайта тиклаш ҳам шундай бир мақсадларни, буни табрикламоқ керак.

Министрлар Совети Раиси Жаноблари, айтиб ўтган гапларимни қуйидаги равишда хулоса қилишимга ижозат берингиз:

Мен ошкоро музокаралар олиб бормоқ учун берилган бу имкониятни мамнуният блан табриклайман. Мен ишнинг бошланишигина бўлиши мумкин бўлган бу музокараларнинг қийинлигини тушунаман. Мен бу музокаралар ва ҳаётимизда муносабатларимизни нормаллаштириш вазифасини мен айтиб ўтган тахлитда бирбутун вазифа тариқасида муҳокама қилишдан иборат деб ҳисоблайман. Мен шу нарсага умид билдираманки, ва истайманки, бизнинг ҳозирги музокараларимиз Москвада бўлиш муддатимиз тамом бўлганидан кейин бирор тариқада давом этдирилиши мумкин бўлур эдики, бу тўғрида бамаслаҳат гаплашиб, бир фикрга келишимиз мумкин. Бу тақдирда бизнинг куч ва ғайратимиз праварадида шундай натижага олиб келадики, бу натижа бизларни вакил қилиб тайинлаган халқлар учунгина фойдали бўлиб қолмасдан, шу блан бирга бутун дун'ёда тинчлик ва хавфсизлик иши учун ҳам фойдали бўлишига аминман.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари М. П. Тарасов Германия Федерал Республикаси Федерал Канцлери доктор К. Аденауэрни қабул қилди

10 сентябрьда СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари М. П. Тарасов Германия Федерал Республикасининг Федерал Канцлери доктор К. Аденауэрни қабул қилди.

ГФР Ташқи ишлар министри доктор Г. фон Брентано, Ташқи ишлар министрлигининг статс-секретари доктор В. Хальштейн, Федерал Канцлер канцеляриясининг статс-секретари доктор Г. Глобке, Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг бошлиги доктор Э. Г. Мор доктор К. Аденауэр блан бирга келдилар.

М. П. Тарасов доктор К. Аденауэр блан суҳбат қилган вақтда СССР Олий Совети Президиуми Секретарининг ўринбосари А. Ф. Горкин ҳозир бўлди. (ТАСС).

Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Волков ва Миллатлар Советининг Раиси В. Т. Лацис Парламентаро Кенгашнинг раиси Лорд Стэйнсгейтни қабул қилди

СССР Олий Совети палаталари раисларининг таклифига мувофиқ, Москвага келган Парламентаро Кенгашнинг раиси лорд Стэйнсгейт шу йил 8 сентябрьда Кремльда Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Волков ва Миллатлар Советининг Раиси В. Т. Лацис томонидан қабул қилинди.

Бир соатча давом этган суҳбат вақтида СССР Олий Советининг ишларига ва Парламентаро Иттифоқнинг фаолиятига доир масалаларга э'тибор берилди. Парламентаро Кенгашнинг раиси лорд Стэйнсгейт суҳбат вақтида СССР Парламент группасининг Парламентаро иттифоқ ишларида энг тўла ва ҳартомонлама иштирок қилганлигига катта аҳамият берганлигини та'кидлади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети юксак онглилик ва ватанпарварлик кўрсатган ҳамда болалар уйларидан ўнтўрт болани олиб тарбиялаган Шоаҳмад Шомаҳмудовга ва Баҳри Акрамовага шахсий пенция тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ш. Шомаҳмудов ва Б. Акрамовининг давлат ҳамда халқ олдидаги хизматларини ҳисобга олиб, уларнинг ҳарбирига умурбод ой сайин 600 сўм миқдорида шахсий пенция белгилади. (ЎзТАГ).

ИНЖЕНЕР НИҚОБИДАГИ ЗАЁМЧИЛАР

Ким ҳам буларни шундай деб ўйлаши мумкин. Иккови ҳам интеллигент, яхши кийинган, форм. Буларнинг ташқи қиёфасига қараб, ҳечқачон, паразитларча ҳаёт кечиради, тўбанликка муккасидан йиқилган деб ўйламайсиз.

Булар яқиндагина институтни тамомлаб, инженерлик дипломини олдилар, дурустгина ишга ҳам ўрнашдилар. Биттаси «Ўзпромпроект»га бош инженерлик лавозимига, иккинчиси эса кенг исте'мол моллари министрлигида инженерлик лавозимига ўрнашди. Иккови ҳам осон йўл блан пул топиш, бойиш мақсадида инженерлик лавозимини ниқоб қилиб олдилар.

Октябрь ва Олой бозорининг мухлислари санқиб юручи бу икки шахсни тез-тез учратиб турдилар. Иккови ҳам енг ичида иш кўриб, бозорга сабзавот олиб келган колхозчиларни тулкидек авраб, уларнинг ёнидаги давлат заёми облигациясининг ҳар 100 сўмини 5-8 сўмдан сотиб олаверишди. Бу инженерлар кимлар денг? Ака-ука Анатолий Моисеевич блан Валерьян Моисеевич Штейнлар!

Валерьян осонлик блан пул топиш бобида акаси Анатолийни йўлда қолдириб кетди. У, Энгельс кўчасидаги 50-ичи ховлида қулай ва яхши жиҳозланган квартирага эга бўлатуриб, Магнитогорский кўчасида кўпхонали данғиллама уй қуриб олди.

Валерьян Моисеевич уйида 100 минг сўмдан ортиқ пул сочилиб ётаркан, унинг квартирасига милиция ходимлари кириб келишди. Бу ҳол Валерьян Моисеевични ажаблантирган бўлса ҳам, лекин у тариқча сесканмади.

— Сизларга давлат заёми керакми?— деди бақириб у,— уйни бўшатинглар, мен сизларга кечқурун бир миллион сўм заём олиб бориб бераман!

— Ўша заёмни ҳозир беришингиз мумкин,— дейишди милиция ходимлари.

— Беролмайман.

— Нима учун беролмайсиз?

— Заёмлар қутича ичида, яширилган.

— Қутичани очақолинг.

— У қутича яна бошқа қутичанинг ичида, қайерга бекитганимни ўзим ҳам билмайман,— деб жавоб берди Валерьян Моисеевич.

— Қутичани қидириб топишда биз сизга ёрдамлашамиз,— дейишди милиция ходимлари.

Ярим соат чамаси вақт ўтгач, уйнинг поли тагидан Валерьян Моисеевичнинг жуда усталик блан яширib қўйган қутичаси топилди. Қутича ичидан муттаҳамликнинг турли йўллари блан йиғилган уч миллион бирюз йиғирмабеш минг сўм давлат заёми облигацияси чиқди.

Унинг акаси Анатолий Моисеевич Штейнникидан ҳам 200 минг сўмга яқин заём топилди.

Виждонини жиғилдонига алмаштириб, халқ нонини туя қилучилар, фақат акаука Штейнлар эмас. Буларнинг ҳамкасблари ҳам бор. Тошкент районидаги 6906 сонли омонат кассанинг бош бухгалтери Аб'дулла Рахматуллин ҳам халқни алдаш йўли блан 357 минг сўмлик заём тўплаган. «Ўзтлавместпром»нинг инженери Илья Сидорович Болотин 169 минг сўм, пенсионер Абрам Маркович Вассерфирер 105 минг сўм заём йиққан. Тулкилик ва мугомбирлик йўли блан аҳолидан арзон нархда сотиб олинган бу заёмлар тортиб олинди ва давлатга топширилди. Муттаҳамлар эса ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб берадилар.

Шу нарса кишини таажжублантирадики, Валерьян Моисеевич Штейн ёнида партбидет олиб юради ва «Ўзпромпроект» бошланғич партия ташкилотининг пропагандисти ҳисобланади. Виждонинга қурт тушсин-э, орсиз!

И. ҚАЛАНДАРОВ.

Болгария Халқ Республикаси элчихонасида қабул маросими

Болгар халқининг миллий байрами — Озодлик Куни муносабати блан Болгария Халқ Республикасининг СССРдаги ғавқулодда ва Мухтор Элчиси К. Луканов 9 сентябрьда катта қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Н. А. Булганин, Л. М. Каганович, А. И. Кириченко, Г. М. Маленков, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Волков, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. П. Тарасов, РСФСР Министрлар Советининг Раиси А. М. Пузанов, СССР министрлари В. Г. Бакаев, Б. П. Бещчев, Ф. Д. Варакин, К. П. Горшенин, П. В. Дементьев, А. Г. Зверев, И. Г. Кабанов, С. Н. Круглов, П. И. Паршин, К. Д. Петухов, С. М. Тихомиров, Д. Ф. Устинов, З. А. Шашков, П. А. Юдин, СССР Давлат банки правлениесининг раиси В. Ф. Попов, Совет Иттифоқи Маршаллари С. С. Бирюзов, С. М. Будённий, Авиация маршаллари С. Ф. Жаворонков, В. А. Судец, адмирал С .Е. Захаров, армия генераллари Г. К. Маландин, И. А. Серов, ТАСС мас'ул раҳбари Н. Г. Пальгунов, генерал-полковниклар И. П. Галицкий, Н. И. Гусев, Ф. Ф. Кузнецов, СССР Олий Совети Президиуми секретарининг ўринбосари А .Ф. Горкин, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари А. Н. Шелепин, СССР министрларининг ўринбосарлари И. Г. Большаков, М. Р. Кузьмин, П. В. Лебедев, А. И. Назаров, Н. Т. Федоренко, иқтисодий алоқалар ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосарлари Н. А. Смелов ва А. Н. Лавришчев, РСФСР маданият министри Т. М. Зуева, СССР ТИМ коллегиясининг а'золари М. В. Зимянин, М. А. Костилев, ВЦСПС раисининг ўринбосари Л. Н. Соловьев, СССР Ёзучилар союзи правлениесининг биринчи секретари А. А. Сурков, СССР Славянлар комитетининг раиси А. С. Гундоров, Чет эллар блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамияти правлениесининг раиси А. И. Денисов, СССР Қизил крест ва Қизил яримой жамиятлари союзи ижроия комитетининг раиси Г. А. Митерев, СССР ТИМ протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, Москва шаҳри коменданти генерал-майор И. С. Колесников ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар ўртасида ишлабчиқариш новаторлари, совет олимлари, ёзучилар, музикачилар, артистлар, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Ташқи ишлар министрлиги, СССР Мудофаа министрлиги, Ташқи савдо министрлиги, Иқтисодий алоқалар ишлари Бош бошқармаси, Чет эллар блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамиятининг мас'ул ходимлари, совет ва четэл журналистлари бор эди.

Қабул маросимида Ғавқулодда ва Мухтор Элчилар: Швециядан—Р. Р. Сульман, Бирма Иттифоқидан — Монг Он, Италия Республикасидан — М. ди Стефано, Франциядан — Л. Жокс, Польша Халқ Руспублликасидан— Л. Левиковский, Ҳиндистон Республикасидан—К. П. Ш. Менон, Чехословакия Республикасидан—Я. Вошанглик. Аргентинадан — Л. Браво, Албания Халқ Республикасидан—М. Прифти, Югославия Федератив Халқ Республикасидан — Д. Видич, Мексикадан — А. де Розенцвейг Диас, Норвегиядан — Э. Бродланд, Индонезия Республикасидан — Субандрио, Руминия Халқ Республикасидан — И. Раб, Хитой Халқ Республикасидан — Лю Сяо, Исроил Давлатидан — И. Авидар, Миср-дан — М. А. Эль Куни, Германия Демократик Республикасидан — И. Кениг, Бельгиядан — В. Лоридан, Нидерландиядан — Д. И. фон Баллюсек, ғавқулодда вакиллар ва Мухтор министрлар: Таиландан — Ш. Срестапутра, Исландиядан — П. Торстейнссон, Ливандан — А. Нажжар, Данияндан — А. Мерк, Муваққат Ишлар Вакиллари: Эрондан — А. Этесами, Покистондан — М. Аҳмад, Туркиядан — Д. Туналигил, Венгрия Халқ Республикасидан— И. Ковач, Австриядан — Г. Грубмайр, Грециядан — Г. Д. Калуцис, Мўғулистон Халқ Республикасидан. — Л. Тойбо, Канададан — Ж. Ж. М. Котэ, Финляндиядан — Т. Кекконен, Люксембургдан—А. Лабойри, Эфиопиядан —К. Ф. Шифферау, Швейцариядан — Р. Хунцикер, Эфиопиядан—С. К. Парротт, Афганистондан — А. Қаюм, Корея Халқ Демократик Республикасидан — Пак Док Хван, Вьетнам Демократик Республикасидан — То Куанг Дау ҳам ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими самимий вазиятда ўтди. (ТАСС).

Фан блан ишлабчиқариш ўртасидаги ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлайлик

М. ПРАСОЛОВ,
Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг бошлиғи.

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти бирнеча йиллардан бери Йўллар министрлигининг машинасозлик заводи, Тошкент темир йўлининг корхоналари, поровоз-вагон ремонт заводи ва Тошкент шаҳридаги бошқа корхоналар блан ижодий ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Институт илмий ходимлари шу давр ичида юқоридаги корхоналарнинг инженер-техник ходимлари ва ишлабчиқариш новаторлари блан биргаликда техникани янада тараққий этдириш юзасидан бирқанча ишлар олиб бордилар.

КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорлари социалистик саноатимизни янада тараққий этдириш, халқ хўжалитининг ҳамма тармоқларида, даставвал саноат ва транспортда техника прогрессини амалга ошириш соҳасида жуда катта вазифаларни қўйди, Фан блан ишлабчиқариш ўртасидаги ижодий ҳамкорлик қанчалик мустаҳкам бўлса, шубҳасиз, халқ хўжалигини янада юксалтиришда унинг бераётган натижалари шунчалик самаралироқ бўлади.

Кейинги йилларда институт илмий ходимларининг диққат э'тибори асосан Тошкент темир йўлида янги техника-тепловозларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш даражасини оширишга қаратилди. Институт темир йўл блан биргаликда бирқанча муҳим илмий-текшириш ишларини олиб борди. Жумладан, институт илмий ходимлари темир йўл инженер-техник ходимлари ва новаторлари блан биргаликда Тошкент магистралида поездлар юришини тезлаштириш, уларнинг юк кўтариш қувватини ошириш, Тошкент тепловоз депосида эса асосий ва тайёрлов цехларида тепловозлар ремонтининг янги технологик процессини ўзлаштириш, тепловозларнинг ҳар суткада юриш тезлигини ошириш ва шунга ўхшаш бирқанча муҳим масалаларни ишлаб чиқдилар. Ҳозир поездлар юришини янада тезлаштириш ва уларнинг юк кўтариш қувватини янада ошириш, тепловозларда ёқилғини кўплаб тежаш, оғир юкли составларни бошқараётган новаторларнинг тажрибаларини умумлаштириш соҳасида катта ишлар олиб борилмоқда. Бу ишларнинг бир қисми тамомланди ва ҳозирги вақтда ишлабчиқаришга жорий қилинди ҳамда катта иқтисодий фойда берди.

Броқ шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, институт ва Тошкент темир йўли ўртасидаги ижодий ҳамкорликнинг бераётган натижаларини янада самаралироқ қилиш учун ва ишлаб чиқилган илмий-текшириш ишларининг ҳаммасини амалга ошириш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Шунга эришмоқ керакки, ишлабчиқариш блан ижодий ҳамкорликда тайёрланган илмий-текшириш ишлари темир йўлнинг ҳамма шоҳобчалари бўйича кенг оммалаштирилсин.

Институт темир йўл транспорти бирқанча бўлимларининг вакиллари иштирокида поездларга юк ортиш нормаларини ошириш ва уларнинг оборотини тезлаштириш, шунингдек Тошкент депоси базасида тайёрланган тепловозларни ремонт қилишнинг илғор усуллари ҳақидаги брошюра ҳамда тепловоз хўжалиги ҳақида дарслик нашр этиш ва бошқа масалаларни муҳокама қилишга бағишланган конференциялар чақирди.

Илғорларнинг иш усуллари умумлаштирилган брошюраларни ва илмий-текшириш ишларининг натижаларини қисқа муддат ичида нашр этилишига эришиш лозим. Шундагина қилинган ишларнинг натижаларини кенг оммалаштириш мумкин. Лекин, институт блан корхона коллективлари ўртасида ижодий ҳамкорликда тайёрланган илмий ишлар жуда ҳам нашр этилмоқда. Бу масалада институт коллективига ёрдам бериш керак.

Институт Тошкент темир йўли блан биргаликда паравозларда Оҳангарон кўмирини Қараганда кўмири блан аралаштириб фойдаланиш, юкларни узоқ об'ектларга ташишни қисқартириш, шунингдек темир йўл хўжалигининг бошқа соҳаларига доир бирқанча ишларни амалга оширди.

Республикамиздаги энг йирик корхоналардан бири бўлган Л. М. Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводи блан институт ўртасидаги ҳамкорлик ҳам ишлабчиқаришга доир бирқатор муҳим масалаларни ҳал қилишда яхши натижаларни бермоқда. Жумладан, 1952-1954 йилларда институт блан завод коллективи ўртасида корхонадаги электр моторларини такомиллаштириш юзасидан катта ишлар олиб борилди. Натижада корхонадаги агрегатлар қувватидан фойдаланиш коэффиценти 0,65 дан 0,92 га ошди. Завод илгарилари электр қувватини белгиланганидан ортиқча сарфлаб юборганлиги учун йилига 350—450 минг сўм зарар кўрарди. Эндиликда эса завод кўплаб электр қувватини тежаб қолмоқда.

Институт ходимларининг ёрдами блан корхонанинг қуюв цехида бирқанча комплекс тадбирлар амалга оширилди. Масалан, уч қатор формали вагранкалар ишлабчиқаришга жорий қилинди. Бу ва шунга ўхшаш тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида қуйилаётган чўянларнинг сифати яхшиланди, 20 процентгача кокс иқтисод қилиш имконияти туғилди. Шунингдек, қора ва рангли металларни спектраль анализ усулини жорий қилиш юзасидан катта ишлар олиб борилди. Ҳозирги вақтда илмий ходимлар корхона новаторлари блан ҳамкорликда паровоз қисмларидаги дефектларни аниқлашда кобальт ли радиоактив изотопларидан фойдаланиш юзасидан тажриба олиб бормоқдалар.

Шунингдек, институт ходимлари заводни реконструкция қилиш ва тепловозларни ремонт қилишни ўзлаштириш соҳасида ҳам корхона коллективига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Институт ходимларининг ишлабчиқариш ходимлари блан ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш соҳасида олиб бораётган ишлари ҳақида яна кўпгина мисолларни келтириш мумкин.

Броқ шу блан бирга бу ижодий ҳамкорликни ташкил этиш ва уни олиб боришда бирқатор жиддий камчиликлар ҳам йўқ эмас. Асосий камчиликлардан бири шуки, ҳали ижодий ҳамкорликка институтдаги ҳамма кафедралар ва барча илмий ходимлар, шунингдек юқори курс студентлари тўла жалб қилинмаган. Жумладан қурилиш факультетининг кўпчилик кафедралари ишлабчиқариш блан яхши алоқа боғлайолмаганлар.

Институт коллективи блан ишлабчиқариш ходимлари ҳамкорлигида олиб борилаётган илмий текшириш ишларининг тематикасида ҳам жиддий камчиликлар бор. Айрим ишларнинг темаси ўзининг йўналиши ва моҳияти блан юксак савияли илмий иш даражасида эмас, балки проект характеридаги оддий инженерлик расчётларига кўпроқ ўхшайди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, хали ҳамма инженер-техник ходимлар ҳам институт блан ижодий ҳамкорликдаги ўз ролини тўғри тушиниб етмаётирлар. Айрим инженер-техниклар институт блан ижодий ҳамкорликни институт корхонага «ёрдам» беради, инженер-техник ходимлар эса институт кафедраларидан тайёр ишлабчиқилган ғасалаларни «оладилар» деб тушинадилар. Ижодий ҳамкорликка бундай қараш мутлақо хатодир. Шунга эришмоқ керакки, ҳамкорлик планида кўрсатилган барча илмий ишлар бир томонлама, я'ни фақат илмий ходимлар ёки корхонанинг инженер-техник ходимлари томонидан олиб борилмасин, балки ишлабчиқаришга доир муҳим масалаларни ҳал қилишда ҳар иккки томон ҳам биргаликда, ижодий ишлашлари керак.

Институт илмий ходимларининг ҳам, корхоналарнинг инженер-техник ходимларининг ҳам ижодий активликларини янада юқори босқичга кўтариш керак. Ижодий ҳамкорлик планлари энг муҳим проблемалар, жумладан корхоналарнинг техника жиҳатидан қуролланишининг ўсиши перспективаси, ишлабчиқаришни комплекс механизациялаш, янги технологик процесларни жорий қилиш, илғорлар иш усулини умумлаштириш, ишлабчиқаришнинг ички резервларидан фойдаланиш ва бошқа муҳим ва актуал масалалар блан тўлдирилиши керак. 1956 йил учун ижодий ҳамкорлик плани тузилганда янги техника-тепловозларни ўзлаштириш ва улардан тўла фойдаланиш, оғир юкли поездларни бошқариш, поездларга юк ортиш нормаларини ошириш ва юришини тезлаштириш, ёқилғи тежаш тадбирларни ва бошқа масалалар диққат марказида туриши керак.

Ишлабчиқариш блан ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва илмий ишлар тематикасини кенгайтириш вазифаларни институтда ҳам, шунингдек корхоналарда ҳам илмий лаборатория базаларини мустаҳкамлашни талаб этади. Яқин кунларда институтда тепловоз лабораториясини ўсуналаш, янги агрегатлар ва приборларни ўрнатиш ишлари тамом бўлади. Шунингдек локомотив детальларини металлизациялаш лабораторияси ҳамда спектраль анализ ва радиоактив элементлари лабораторияларини ўсуналаш тамомланади.

Партия ва ҳукумат фан блан ишлабчиқариш ўртасидаги ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни талаб қилаётган бир вақтда Л. М. Каганович номли завод раҳбарлари бизга ма'лум бўлмаган сабабларга асосан корхонадаги тажриба мастерскойини бекитиб қўйдилар. Илмий ишлар олиб бориш учун зарур бўлган мастерскойнинг бекитилиши бизни таажжублантирмоқда. Афтидан завод раҳбарлари ҳарикки томоннинг ижодий ҳамкорлигида тажриба мастерскойининг катта аҳамияти борлигини тушуниб етмаётирлар Мастерскойнинг ёпиб қўйилиши олиб борилаётган айрим илмий-текшириш ишларининг тўхтаб қолишига сабаб бўлди. Жумладан, тепловозларда ёқилғини тежашга қаратилган доцент Д. Я. Писцовнинг топливомер конструкциясини тайёрлаш соҳасидаги ишлари тўхтатиб қўйилди.

Ма'лумки, ижодий ҳамкорликда олиб бориладиган ишларнинг плани олий ўқув юртлари, илмий-текшириш институтлари ва корхоналарнинг раҳбарлари томонидан тасдиқланади. Шунинг учун ҳамкорликдаги планнинг бажарилиши учун институтлар ҳамда корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш лозим. Биргаликда ишлаб чиқилган ва тамомланган илмий-текшириш натижаларини ҳечбир кечиктирмай амалга ошириш тадбирларини кўриш керак. Ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун, бизнинг фикримизча, тепловоз депосида, Йўллар министрлигига қарашли машинасозлик заводида ва бошқа корхоналарда илмий-тажриба мастерскойлари ташкил қилиниши керак.

Шуни алоҳида тажидлаб ўтиш керакки, СССР Йўллар министрлигининг айрим Бош Бошқармалари институт ишлабчиқариш ходимлари блан ҳамкорликда ҳал қилган айрим муҳим масалаларни ишлабчиқаришга сўст жорий қилмоқда. Масалан, Локомотив хўжалиги Бош Бошқармаси тепловозларнинг юриш тезлигини оширишга имкон беручи таклифни шу вақтгача қабул қилгани йўқ. Шунингдек, автотрактор ва саноатнинг бошқа соҳаларида кенг қўлланилаётган детальларни металлизация қилиш усули ҳам ишлабчиқаришга жорий қилингани йўқ.

КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорлари барча илмий-текшириш ишларининг савиясини янада ошириш, ишлабчиқариш блан алоқани кенгайтириш, илмий ходимларнинг инженер-техник ходимлар ва ишлабчиқариш новаторлари блан ижодий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашни талаб қилади. Шу сабабли илмий-текшириш ишлари плани ва корхоналарнинг ишларини ҳамкорликда муҳокама қилиш тажрибасини кенг қўллаш лозим. Ижодий дискуссиялар илмий-текшириш ишлари тамом бўлиш арафасида ўтказилиши керак эмас. Чунки, бу вақтда кўпгина тўғри танқидий мулоҳазалардан кўнгилдагидек фойдаланиб бўлмайди. Шу сабабли илмий иш олиб борилаётганда биргаликда, ҳарикки тамон актив иштироқ этадиган, ижодий дискуссиялар ўтказиш лозим. Бундай қилинганда илмий ишнинг сифати яхшиланади, унинг ишлабчиқариш учун бўлган аҳамияти янада ошади.

Шубҳа йўқки, институт илмий ходимлари темир йўл транспорти корхоналарининг коллективлари блан бундан кейин ҳам ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлайдилар ва социалистик саноатимизни янада юксалтириш, техникани янада тараққий этдириш ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Бутун куч ва моддий-техника воситаларини пахта териш ва тайёрлаш сур‘атини янада кучайтиришга сафарбар этайлик!

* * *

Қардош Озарбайжон пахтакорларининг сўзи

Йиғим-теримни уюшқоқлик блан ўтказиш-муваффақиятлар гаровидир

Ўзбекистон блан Озарбайжон пахтакорларининг пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш йўлидаги социалистик мусобақаси совет халқларининг мустаҳкамланиб бораётган дўстлик, бродарлик ва ўзаро ҳамкорлигининг яққол ифодасидир. Колхоз қишлоқларининг меҳнаткашлари Партия ва Ҳукуматнинг қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини янада юксалтириш ҳақидаги қарорларини муваффақиятли равишда турмушга татбиқ этаётган шу кунларда бу мусобақанинг моҳияти яна ҳам ошди.

Озарбайжон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригаласи 2 сентябрьдан то 10 сентябрьгача Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона областьларининг пахтакор колхозларида бўлди. Бригада икки группага бўлиниб, шу муддат ичида республиканинг йигирма етти районидаги олтмишдан ортиқ колхозни, бирқатор МТС ва совхозларини кўздан кечирди.

Республиканинг биз борган областьларидаги колхозлар ва МТСлар пахтадан мўл ҳосил етиштирганлар.

Ўзбек пахтакорларининг ҳосил тўплашда эришган муваффақиятлари Ўрта Осиё, Закавказье, республикалари ва Қозоғистон ССР пахтачилик ходимларининг Тошкент кенгаши Мурожаати кўпчилик колхозларда, совхозларда ва МТСларда муваффақиятли амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Республика колхозлари ҳамма ерда чигитни торқаторлаб экишга ўтганлар, чигит кўпгина майдонларда квадрат-уялаб экилган.

Ўтган йилга нисбатан бу йил сув танқислиги юз берганига қарамасдан, республика колхозчилари сувдан усталик блан фойдаланганлар ва катта-катта майдонларда ғўзанинг чанқаб қолишига йўл қўймаганлар. Органик-минерал ўғит аралашмасидан кенг фойдаланилганлиги, шунингдек ғўзаларнинг баргидан озиқлантирилганлиги кўпроқ ҳосил тўплаш имконини берган.

Биз кўпгина колхозларда яхшилаб жиҳозланган дала шийпонларини кўрдик. Бу шийпонларда колхозчиларнинг маданий дам олишлари учун зарур шароит яратиб берилган.

Колхозларда ва ҳатто айрим бригадаларда газ сушилкалари мавжудлиги ва қурилаётганлиги айниқса қувончлидир.

Шуни қониқиш блан қайд қилиш керакки, кўпгина районларда колхозчилар, МТС ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг ходимлари пахта йиғим-теримида меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашда ташаббус кўрсатмоқдалар, ғўзаси ўсишдан орқада қолган участкаларда қўшимча равишда ҳосил тўплаш учун барча тадбирларни кўрмоқдалар.

Шу блан бирга ўзаро текшириш бригадаси ғўзани парвариш қилиш ва эрта етилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда йўл қўйилаётган бир қатор камчиликларни ҳам аниқлади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ғўза парваришини 15 сентябрьгача давом эттириш тўғрисидаги кўрсатмаси бўлишига қарамасдан, кўпчилик колхозларда ғўза парвариши муддатидан илгари тўхтатиб қўйилган. Бунинг натижасида айрим ерларда ғўза қишлоқ хўжалик зараркунандалари — (ғумай, шира ва бошқалар) блан шикастланганича қолиб кетаётир. Бу ҳолни айниқса Оқдар'ё районидаги Энгельс номли, Куйбишев номли колхозларда, Иштиҳон районидаги Ленин номли колхозда, Янгийўл районидаги Свердлов номли колхозда ва бошқа колхозларда кўриш мумкин. Шак-шубҳасиз, ёввойи ўтлар ҳосилнинг эрта етилишини кечиктиримоқда ва пахта йиғим-теримига, айниқса машина йиғим-теримини ўтказишга ҳалақит бераётир.

Шу вақтгача давом этаётган суғориш табақалаштириб ўтказилмаётир, сув ме'ёридан ошиқ қўйилмоқда, бостириб суғорилмоқда. Биз бу ҳолни Охунбобоев районидаги Шверник номли колхозда, Оқдар'ё районидаги Куйбишев номли колхозда, Пахтакор районидаги Каганович номли, Ленин номли колхозларда, Вобкент районидаги Сталин номли колхозда учратдик. Бухоро областининг айрим колхозлари ғўзани хатто ёппасига бостириб суғормоқдалар. Бирқатор колхозларда ғўза пахтаси териб олинмаслан суғорилаётир, бу, мутлақо йўл қўйиб бўлмайлиган бир ҳолдир.

Айрим колхозларда, жумладан, Самарқанд областининг Пахтакор ва Норпой районларидаги колхозларда ғўза кечиктириб, сифатсиз чеканка қилинган.

Биз текширган кўпчилик колхозларда пахта йиғим-теримининг қониқарсиз уюштирилганлигини ҳам жиддий камчиликлардан бири деб ҳисоблаш лозим. Бирқатор колхозларда очилган кўсакларнинг умумий сони 25 — 30 процентни ташкил этганига ва айрим участкаларда бундан ҳам кўп бўлганига қарамасдан ҳамон теримга киришилмаётир. Бунга Бағдод районининг «Қизил Ўзбекистон», Каганович номли колхозлари, Охунбобоев районининг Хрушчёв номли, Маленков номли колхозлари, Тошлоқ районининг Будённий номли, Ворошилов номли колхозлари ва бошқалар мисол бўлиши мумкин.

Пахтани машинада териб олиш катта аҳамиятга эга эканига қарамай, кўпчилик колхозларда ва МТСларда ана шу муҳим тадбирга суст тайёргарлик кўрилаётир. Пахта териш машиналари участкаларга биркитиб қўйилмаган. Бу машиналарнинг кўпчилиги 60 сантиметрлик қатор ораларда ишлашга мослаштирилмаган. Пахтаси машинада териладиган участкалар текисланмаган, йўллар чиқарилмаган, ғўза баргини тўкишга ишлатиладиган заҳарли дорилар ташиб келтирилмаган.

Пахтани қўлда хиллаб теришга амал қилинмаётир. Пахта чаноқларда қолдирилиб сифатсиз терилмоқда. Бу эса пойдевгарчиликлан бошқа нарса эмас. Кармана районининг Сталин номли, Охунбобоев номли колхозларида ва «Норпой» совхозида, Бағдод районининг Андреев номли, Каганович номли колхозларида ана шундай фактлар юз бермоқда.

Далачилик бригадаларида хирмон жойлар ремонти тамомланмаган. Звеноларда эса хирмон жойлар йўқ. Терилган пахта бордон ва чийларга ёйилиб, очиқ ҳавода қуритилмаётир.

Колхозларнинг территориясидаги йўллар, кўпрьклар қониқарсиз аҳволдадир. Бу нарса пахтани тез ташиб олишга ҳалақит беради.

МТСларнинг қишлоқ хўжалик машиналари пахта далаларида сочилиб, очиқ ҳавода ётганини, МТС территорияларида эса қишлоқ хўжалик машиналари ва асбобускуналарни сақлашдаги энг оддий қоидалар ҳам бузилаётганини камчилик деб ҳисоблаш керак. Бу ўринда Ҳатирчи районидаги 1-нчи МТС ва Норпой районидаги 2-нчи МТСнинг иши характерлидир.

Янги суғориш системасига ўтилиши муносабати блан суғориш участкаларини яхшилаштириш иши қониқарсиз олиб борилмоқда. Фарғона, Бухоро ва Самарқанд областьларида, 0,8 гектардан 1 гектаригача бўлган участкалар кўп. Бу ҳол ғўза парваришини тўла механизациялаштириш имкониятидан маҳрум қилиб қўяди.

Шуни қайд қилиб ўтиш зарурки, бирқатор колхоз ва МТСларда ғўза парваришида давом этаётган ва пахта йиғим-терими кетаётган ҳозирги кунларда агрономларнинг ташкилотчилик роли сезилмаётир. Колхозларда меҳнатни уюштиришда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Меҳнат кунларини ҳисобга олиш қониқарсиз аҳволда.

Ўзаро текшириш бригадаси ҳамма районларида ўзига ибрат бўларли қимматли тажрибаларни кўргани ҳолда, меҳнатни уюштиришда, ғўза парваришида ва ҳосилни йиғиб-териб олишни ташкил этишда жиддий камчиликлар борлигини кўрсатиш зарур ва тўғри бўлур эди, деб ҳисоблайди.

Озарбайжон пахтакорларининг делегацияси республика колхозчилари, МТС ва совхоз ходимлари ғўзага ишлов бериш ва пахта йиғим-теримида йўл қўйилаётган камчиликларни партия ташкилотлари раҳбарлиги остида тез орада тугатишнинг уддасидан чиқадилар, деб ишонади. Улар Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди ва Ўзбекистон Компартияси XIII с'езди шарафига социалистик мусобақани қизитиб, пахтачилик юзасидан олган давлат плани ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини шаксиз-шубҳасиз та'минлайдилар.

Ўз навбатида биз, Озарбайжон пахтакорлари қардош Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг меҳнатсевар ходимлари блан бўлган социалистик мусобақада юксак натижаларга эришиш учун қат'ият блан курашадилар, деб ишонтирамиз.

Озарбайжон пахтакорлари делегациясининг а'золари: **И. Н. Аскеров**— Озарбайжон КП Нахичеван область комитетининг секретари (делегация раҳбари); **Ю. А. Ибодзода** — Озарбайжон ССР сув хўжалиги министрининг ўринбосари; **Д. А. Агаева** — Геокчай район ижроия комитетининг раиси **А. С. Белоусов** — АЗНИХИ агротехника бўлимининг мудири; **С. Г. Абдуллаев** — Озарбайжон ўсимликларни ихота қилиш станциясининг директори; **М. М. Керемов** — Мингечаур МТСнинг бош агрономи; **Г. Р. Рагимов** — Агжабедин районидаги «Красний Озарбайжон» колхозининг раиси; **Б. М. Кулиев** — Корашен районидаги Хрушчев номли колхознинг раиси; **Л. К. Кодиров** — Соатли МТСи трактор бригадасининг бошлиғи; **Ю. Меҳтизода** — «Коммунист» газетасининг мухбири.

Янгийўл районидаги Свердлов номли колхознинг барча участкаларида пахта йиғим-терими қизиб кетди. **Суратда:** (чапдан, олдинги қаторда) кундалик терим нормасини 1,5 ҳиссага етказиб бажараётган илғор теримчилардан **К. Султонова ва А. Ниёзбоева** ўртоқлар пахта термоқдалар.

В. Сироткин фотоси.

Пахта териш машиналари ремонти тезда тугаллансин

Областимиз колхозчилари, МТС ва совхоз ишчиларининг фидокорона меҳнати туфайли етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиш даври бошланди. Ма'лумки пахта йиғим-терими давридаги ишлар гоят мас'улиятлидир. Партия, совет ташкилотлари, МТС колхоз ва совхозларимизнинг шу кунлардаги асосий вазифаси, мўл ҳосилни тезда, сра нобуд қилмасдан йиғиб-териш ва давлатга топширишдан иборатдир. Бу йил МТСларимиз олдига ҳар йилгидан кўра кўпроқ жиддий вазифалар қўйилган.

Бунинг учун МТС ларнинг машина блан пахта теришга гоят пухта тайёргарлик кўришлари, терими намунали қилиб уюштиришлари талаб этилади.

Броқ областимиз районларидаги барча МТС раҳбарлари ҳам ўз вазифаларини тўла тушиниб олганлар деб бўлмайди. Айрим МТС раҳбарлари пахтани машина блан териш тўғрисида кўп гапирадилар-у, лекин амалда жуда кам иш қилмоқдалар. Бундай раҳбарларнинг иши блан гапи ўртасида катта ажралиш бўлаётир. Бунга Чиноз районидаги МТС (директори Ўртоқ Мелихов) Мирзачўл районидаги 1-нчи МТС (директори Ўртоқ Акрамов) раҳбарларининг иши мисол бўлаолади. Бу МТС лар иши тўғрисида область партия комитетининг қарори ҳам чиққан. Броқ МТС раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб олмадилар, машиналарни теримга тайёрлаш ҳамон оқсамоқда.

Мирзачўл районидаги 1-нчи МТС ўз зоналасидаги колхозларда 86 машина блан пахта терими керак бўлгани ҳолда ҳозиргига атиги 18 машинани, шу жумладан из ораси 2440 сантиметр бўлган 13 машинани ремонтдан чиқарган. Ўртоқ Акрамовнинг сўзига қараганда ба'зи машиналарни э'тиборга олинмаса деярлик ҳамма машиналар ҳам ғўё теришга тайёр. Аммо машиналар бирма-бир текширилганида кўпчилик машиналарнинг ярақсизлиги, запас қисмлар етарлик бўлишига қарамасдан уларнинг ремонт қилинмаётганлиги ма'лум бўлди. Чиноз МТСда ҳам 108 машинадан атиги 6 таси ишга тайёр қилинган 46 машина жиддий ремонт талаб этади. Броқ МТС да ремонт эндигина бошланган. Бу ҳол Ўртоқ Мелиховни унчалик ташвишлантирмаётир.

— Биз ҳақиқатан ҳам ремонтни чўзиб юбордик,— дейди у,— энди ишни тезлатиб яқин кунларда машиналарни тайёр қиламиз.

Мелихов, Акрамов ўртоқларча ҳали вақт эрта эмиш. Бу мутлақо нотўғри. МТС раҳбарларидан зўр ташкилотчилик талаб этилади. Ўз вазифасини тўғри тушинган, мас'улиятли сезган МТСларимизнинг раҳбарлари теримга техникани тайёрлашни гоят уюшқоқлик блан ўтказмоқдалар. Улар шубҳасиз теримни ҳам муваффақиятли олиб борадилар.

Чиноз ва Мирзачўл район партия, совет ташкилотлари МТСлардаги аҳвол блан жиддий қизиқишлари, пахта териш машиналари ремонтини тезда тўгаллаш чораларини кўришлари керак.

К. КИРИЛЮК.

Илғор комсомол-ёшлар бригадасининг янги мажбурияти

Рўзиқул Ярқулов бошчилигидаги комсомол-ёшлар бригадасининг а'золари Сирдар'ё районидаги Охунбобоев номли колхоз пахтакорлари ўртасида донг чиқарган уста пахтакорлардан ҳисобланади. Бригада а'золари ўз участкаларидаги ғўзаларни намунали парвариш қилиб, юқори ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар.

Етиштирилган мўл ҳосилни нобуд қилмай йиғиб олишга яхши тайёргарлик кўрган бригада а'золари шу кунларда астойдил меҳнат қилмоқда. Бригадада пахта териш, топшириш юзасидан график тузиб чиқилди. Бригадада меҳнатнинг яхши йўлга қўйилганлиги туфайли белгиланган график ҳар куни ҳам ошириб бажарилаётир. Бригаданинг С. Орзиқулов, М. Тўйчиева, Қ. Абдиев ва Г. Абуева каби илғор теримчилари ҳар куни 70-80 килограммдан пахта териб топширмоқдалар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 38 йиллик байрамигача йиллик планни бажаришга қарор қилган бригада а'золари 107 гектар ернинг ҳар гектаридан 39 центердан пахта топширишмажбуриятини олиб, социалистик мусобақани тобора қизитиб юбордилар.

Қ. ПИРИМБЕКОВ.

Терим тонгида

Пахтазорда кезар кузги майин ел,
Яшил ялроқ аро сариқ нишона.
Даласига боқиб кучга тўлар эл,
Қизини уйготар меҳрибон она.

Терим тонги отар пахтадай оппоқ,
Яшил водиларда меҳнат палласи.
Асл пахтакорлар серзавқ ва қувноқ
Очилган қўриқлар-юрт ғалабаси.

Машинада халқнинг ишончи, кўзи,
Механик-ҳайдовчи юртни қилар шод.
Ишига боғлиқдир ҳар айтган сўзи,
Унинг кўнгли каби далалар обод.

Эгатлар оралаб тинмас кўз, қўли
Этаклари тўлар янги ҳосилга.
Меҳнатидан равшан ҳаёти, йўли
Обрўси ошмоқда ҳар йилдан-йилга.

Эпчил фото-мухбир олар суратга,
Эртага тушади унга минг-минг кўз.
Муяссар бўлолди шарафга, бахтга
Шон довруғидан тарқалади сўз...

Говҳар назар ташлар кенг пахтазорга,
Олтин тупроқлардан ўргулгуси бор.
У шундан сазовор зўр э'тиборга,
Улуғ давримизда бўлган бахтиёр.

Звено бошлиғи, меҳнатсевар қиз,
Меҳнат майдонида ҳамма ҳамжиҳат.
Очилган чаноқлар мисоли юлдуз,
Ҳар ўтли юракда ишга муҳаббат.

Қизларнинг мўлжали юз центнердан,
Бунга Гавҳарнинг ҳам ишончи қатта.
Мўл ҳосил ундирар серунум ердан,
Орзулар очилар шунда албатта...

Юз йилларнинг кекса шоҳида қуёш,
Бу кунги меҳнатга боқади ҳайрон.
Ғайрат белбоғини боғлаб кекса-ёш,
Муқаддас бурчини бажарар бу он.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Ўртоқ Турсунова беш кунда 968 килограмм пахта терди

Октябрь районидаги Сталин номли колхознинг а'золари З. Турсунова ва С. Жўрабоева ўртоқлар мавсум бошидан бери ўзаро мусобақалашиб ишламоқдалар. Улар илгор теримчиларнинг область кенгашида қатнашганларида бу йил мавсумда 15 минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олган эдилар.

Теримнинг дастлабки кунларидан бошлаб бу дугоналар иш сур'атини оширабордилар. 4 сентябрьда Турсунова 155 килограмм, унинг шериги С.Жўрабоева эса 140 килограмм пахта териб топширди. Кейинги куни Турсунова терган пахта 168 килограммга етди, Жўрабоеванинг пахтаси 155 килограмм бўлди. 8 сентябрь куни Ўртоқ Турсунова сур'атни кучайтириб, хирмонга 268 килограмм пахта топширди, Жўрабоева эса 210 килограмм пахта терди.

Шундай қилиб, беш кунлик якунида Ўртоқ Турсунованинг терган пахтаси 968 килограммга етди. Унинг дугонаси Жўрабоева ҳам беш кунликда шерига анча яқинлашиб қолди.

Сталин номли колхознинг кўп минг килограммчилар ҳаракатига қўшилган 120 теримчиси бу чеварлардан намуна олиб ишлаётганликлари учун ҳам куни сайин кўпроқ пахта териб топшираётирлар.

Йиллик план 7 ноябрьга бажарилади

Ўртачирчиқ районидаги Максим Горький номли колхоз а'золари пахта териш ва тайёрлаш сур'атини кун сайин кучайтирмоқдалар. Теримчилар ҳар куни йиллик планнинг 2 процентига яқин пахта териб топширмоқдалар. Колхозда пахта ўз вақтида қуритилиб, қабул пунктига етказиб берилаётир. Бу соҳада колхознинг транспорт бригаласи намунали ишламоқда.

Колхоз а'золари бу йил 900 гектар ерда ғўзани янги, прогрессив усулда ўстириб, мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Ўтган йилдагига нисбатан 12 кун илгари пахта теримига киришган бу колхознинг а'золари йиллик пахта тайёрлаш планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллик кунигача бажариш учун дала ишларини ҳар тарафлама кучайтириб юбордилар.

Ғўза барглари сун'ий равишда тўктирилабошланди

Республикамизда пахтани машина блан териб олиш учун ажратилган участкаларда ғўза барглари сун'ий равишда тўктирабошланди.

Бу агрономия усули ўтган йиллардаги усулдан фарқ қилиб, табақалаштириб ўтказилмоқда. Бунда аввал кўсаклари эрта муддатларда очилган майдонлардаги ғўзаларнинг барглари тўктирилади. Бу блан ғўза тупларининг юқори қисмида август ойида пайдо бўлган ҳосил тугунчаларининг пишиб етилишига имкон берилади.

Қишлоқ хўжалик авиациясининг самолётлари бу йил ғўза барглари тўктиришда ўтган йилдагига қаратанда беш ҳисса кўп иш бажарадилар. Бу эса агроусулни ўтказиш муддатини кескин равишда қисқартириш, шунингдек дориворлар сарфлашни ва иш қимматини икки марта камайтириш имкониятини беради.

Ғўза барглари тўктиришда модерлаштирилган ОДН аппаратлари, шунингдек пахтачилик бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси томонидан яратилган ОУН—4 маркали такомиллаштирилган универсал чанглагич-пуркагич аппаратлари кенг қўлланилади. Бу кейинги аппарат юқори унум блан ишлаш ва ишни сифатли бажариш блан ажралиб туради.

Бирқатор қурғоқчилик районларда ва шудринг тушмайдиган жойларда ғўза барглари тўқдириш янги химиявий препаратлар ёрдами блан амалга оширилади. Бу жойларда кальций цианамитини қўлланиш кам фойда келтиради. Тошкент областида тажриба тариқасида далалар магний блан ишланмоқда.

Дори сепиш учун ажратилган умумий майдон ўтган йилдагидан 13 минг гектар кўпдир. (ЎзТАГ).

Пискентлилар сур‘атни оширишлари керак

Пискент районидаги Молотов номли колхоз а'золари 1 октябрьгача йиллик планнинг 50 проценти миқдорида пахта топшириш ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллиги кунини йиллик планни ортиги блан бажариш блан кутиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

— Бунинг учун бизда барча имконият бор, — дейди колхоз раиси Ўртоқ И. Ҳайдаров. — Биз бу имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланиб, ўз ва'дамизни шараф блан бажарамиз!

Броқ, райондаги ҳамма колхозларда ҳам аҳвол бу ердагидек қувонарли эмас.

Муроталидан Пискентга қараб тик кетган кенг йўлнинг икки чеккасига назар ташлаб борар экансиз, катта-катта карталарда оппоқ очилиб ётган пахталарни кўрасиз. Аммо далада ишлаётган, шу пахталарни теришга киришган кишиларни учратмайсиз. Бу ерлар Жданов номли колхозга қарашли экан.

Йил бўйи қилинган меҳнатнинг мевасини йиғиштириб олиш нега ҳечкимнинг парвойига келмайди!

Колхоз правлениеси (раиси А. Мирраҳимов), партия ташкилоти (секретари М. Зарипов) пахта йиғим-теримига ҳали етарли тайёргарлик кўрмаганлар. Улар «ғўза парваришини тамомлаганларидан кейин нафасларини ростлаб олиш» даврини кечираётирлар. Илиқ-иссиқ, қуруқчилик бўлиб турган ҳозирги ғанимат дамларнинг қадрига етмаётирлар. Колхоз раҳбарлари парваришдаги ғўзаларнинг ўз вақтида культивация, чопиқ қилинмаганлиги сабабли йўл қўйган ҳато ва камчиликларини янада кўпайтирмоқдалар. Ана шу туфайли пахта териш учун ажратилган ишчи кучлари ҳалига қадар теримга тўлиқ тушгани йўқ. Бу кучлар ҳали ҳам иккинчи даражали ишларда фойдаланилмоқда. Колхоз партия ташкилотининг секретари Ўртоқ М. Зарипов:

— Пахта хирмонларидан 13 тасини тайёрлайолмадик. Тарозларимиз ремонт қилинган эмас. Қўл тарозлари йўқ, араволаримиз етишмайди, — деб нолийди. Хўш, Ўртоқ Зарипов бу ҳақда нега шикоят қилади? Ахир бу етишмовчиликларнинг ҳаммаси колхозчилар кучи блан битадиган, колхознинг ўз ҳаракати блан бажариладиган ишларку? «У етишмайди, бу ремонт қилинган эмас» деб қўл қовиштириб ўтирган раҳбар, баҳона ўрнига амалий иш қилса ҳозирги аҳволга тушиб қолинмас эди. Колхозда теримга киришган Ш. Оққайдаров, В. Ниёзов, Кан Ўртоқлар бошлиқ бригадаларда иш тайёргарсизлик блан бошланганги учун меҳнат унуми жуда паст. Бу бригадаларда терим бошланганига 6—7 кун бўлганига қарамай, давлатга жуда оз миқдорда пахта топширилди. Пахта хирмонлари бўлмагани сабабли теримчилар ўз пахталарини узоқдаги хирмонга ташийдилар. Қўл тарози йўқлиги учун бир-икки километр масофага қўйилган катта тарозига боришга тўғри келмоқда. Натижада уларнинг қиммати вақтлари бекорга кетяпти ва бир кунда қилинадиган ишнинг учдан бири ҳам бажарилмаётир. Колхоз раҳбарлари ҳам, бригада бошлиқлари ҳам бу тўғрида бош қотирмайдилар, ҳатто ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Улар ўз тинчликлари ва осойишталикларинигина кўзлайдилар, холос.

Шуни ҳам айтиш керакки, колхоз правлениеси ва партия ташкилоти шу кунгача бригадалар бўйича терим графигини белгиламаган. Звено, бригадалар ўртасида социалистик мусобақа ташкил қилинмаган. Кўпмингчилар ҳаражати ва унинг ролига аҳамият берилмаётир. Шунингдек теримчиларга қулай шароит яратиб бериш мақсадида дала шийпонларида иссиқ овқат, яслилар ташкил қилиш ҳали колхоз раҳбарларининг ҳаёлларига ҳам келган эмас. Ана шуларнинг ҳаммаси пахта йиғим-теримини уюшқоқлик блан бошлаб юборишга катта тўсқинлик қилмоқда.

Биз Калинин номли колхознинг саккизинчи бригадаси хирмонига етиб келганимизда ҳосилот блан бригада бошлиғи Ҳамдам Султонов жанжаллашмоқда эди.

— Сизда қўл тарози йўқми? — ҳамроҳларимиздан бири бригада бошлиғидан сўради.

— Бор, — ғалга ҳосилот аралашиб қолди, — фақат анаси омбор ичига беркитиб қўйибдилар.

Бригада бошлиғи ўжарлик блан: «Қўл тарози ишлатмайман»,—деб та'кидларди.

Ана шунинг ўзидан колхозда меҳнат қандай ташкил этилганлиги ойнадек равшан бўлди.

Биз бригадада меҳнат интизоми ва колхозчиларнинг меҳнатини ҳисобга олиш блан танишабошладик. Шу куни 17 теримчи ишга чиқмаган. Бу ҳол бирнеча кундан бери такрорланиб келаяпти. Колхозчилар орасида кундалик нормани бажармаётганлар ҳам бор. Табельчи Барат Бадалов колхозчилар меҳнатини «сувда», «хирмонда» тарзида ҳисобга олгани учун кўпчилик теримчиларнинг ишга чиққан ёки чиқмаганлигини яхши билмайди.

Ҳамдам Султонов ўзбошимчалик блан арава, тарозилардан унумли фойдаланмайди. У ишнинг тез битишини эмас, кунининг ўтишини кўзлайди. Шунинг учун ҳам бу бригадада катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Колхозчилар бир-икки километр узоқликда пахта тераётирлар. Улар терган пахтани хирмонга ташиб келиш учун махсус киши ажратилмаган. Табельчи ҳам, бригадир ҳам қўл торози топиш тўғрисида, колхозчиларга қулай иш шароити яратиб бериш ҳақида чинакамига ўйлаб кўрмаётирлар.

Колхозчилар ўртасида агитация ва пропаганда ишлари мутлақо қониқарсиз аҳволда. Колхоз партия ташкилотининг ишга мас'улиятсизлик блан қараши шунгача бориб етганки, қишлоқ марказидаги бино деворларига қатор ёзилган шиорлар вақти ўтиб, эскириб кетган бўлса ҳам улар ўрнига янги, шу кунининг темасидаги шиорлар ёзиш тўғрисида ўйлаб кўрилмаётир.

Колхоз бу йил минг гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан она-Ватанимизга 18,5 центнердан пахта ҳосили бериши керак. Агар раҳбарлар ўз иш услубларини ўзгартирмасалар, йиғим-теримда кескин бурилиш ясамасалар, давлатга берилган ва'данинг бажарилиши хавф остида қолади.

Жданов номли, Калинин номли колхозларда йўл қўйилаётган ана шундай қатор нуқсонлар райондаги Каганович номли, Маленков номли, Охунбобоев номли колхозларда ҳам давом этмоқда. Бу нуқсонларга узил-кесил барҳам бериш пайти аллақачон етиб келган.

Райондаги 2-нчи МТС нинг колхозлар блан тузган шартномасига мувофиқ бу йил 1800 гектар ердаги пахта машина блан терib берилиши керак. Бунинг учун МТСдаги 75 та СХМ-48 машинаси ремонтдан чиқарилиб, мавсумга тахт қилиб қўйилиши лозим эди. Лекин МТС раҳбарларининг (директори И. Я. Ваксман, бош инженер Ким Дик Мен ўртоқлар) бу ишга мас'улиятсизлик блан қарашлари натижасида эндигина 14 та пахта териш машинаси ремонт қилинди. Қолганлари эса «запас қисмларлар етишмайди» деган баҳоналар блан ремонт қилинмай бўлажакларга ажратилган ҳолда ётипти.

Шунингдек пахта териш машиналарида ишлаш учун малакали кадрлар тайёрлаш иши ҳам қониқарсиз аҳволда. Шу кунга қадар тўртта механик-ҳайдовчилар бригадаси ташкил қилинмаганлиги бунга мисол бўлаолади.

— Ремонт учун запас қисмлар олиб бораяпмиз, — дейди МТС партия ташкилотининг секретари Ўртоқ А. Ҳолматов, — лекин бизда ўша қисмларнинг нархини кўрсатучи прейскурант бўлмаганлиги сабабли ремонт ишида ундан фойдаланмаётирмиз.

Нахотки МТС раҳбарлари учун прейскурант олиб келиш шу қадар қийин бўлса. Йўқ, гап бунда эмас, МТС раҳбарлари «ҳали теримга вақт эрта» деган хомҳаёл блан хотиржам бўлиб юрибдилар. Улар 20 сентябрьдан бошлаб барча пахта териш машиналарининг колхоз далаларига бўлиши лозимлигини унутиб қўймоқдалар.

Шуни ҳам айтиш керакки, МТСнинг бош агрономи Ўртоқ Н. Ҳалимхонов ўзининг шарафли вазифасини тўла бажараолмаётир. У колхозларда камдан-кам бўлганлиги сабабли машина блан териладиган пахта майдонларини мавсумга тайёрлаш устида талабчанлик қилмайди.

МТС раҳбарлари вақтнинг жуда оз қолганлигини ҳисобга олишлари, бу соҳадаги ишларни тезроқ бажариш учун курашишлари керак.

Район партия комитети (секретари Ўртоқ Латипов), район ижроия комитети (раиси Ўртоқ Усмонов) колхозларда, МТСларда йўл қўйилаётган ана шу камчиликларни тезда бартараф қилиш учун курашишлари, шу орқали пахта йиғим-теримини хартарафлама авж олдириб юборишлари лозим.

У. ЖОНГИТОВ,
Х. МАХМУТАЛИЕВ.

«Тошкент ҳақиқати», «Пахта учун кураш» газеталарининг рейд бригадаси.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 10 СЕНТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Районларнинг номи	мавсум бошидан	бир кунда
Пискент	6,86	1,30
Ховос	6,17	0,43
Оҳангарон	5,14	1,40
Бўка	4,79	9,94
Ўртачирчиқ	4,27	0,74
Оққўрғон	3,48	0,65
Сирдар'ё	3,31	0,75
Боёвут	3,08	0,64
Оржоникидзе	3,06	1,00
Октябрь	3,05	0,73
Бекобод	2,90	0,69
Юқоричирчиқ	2,87	0,73
Янгийўл	2,75	0,67
Верхне-волинск	2,54	0,65
Ўртасарой	2,49	0,80
Гулистон	2,44	0,67
Калинин	2,39	0,51
Чиноз	2,35	0,72
Мирзачўл	2,10	0,78
Қуйичирчиқ	1,26	0,34

Илмий-техника ҳамкорлиги юзасидан Совет-Руминия Комиссиясининг олтинчи сессияси бўлиб ўтганлиги тўғрисида

АХБОРОТ

Яқинда, Бухорест шаҳрида илмий-техника ҳамкорлиги юзасидан Совет-Руминия Комиссиясининг олтинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий-техника ютуқларини ўзаро ўртоқлашиш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Муҳокама натижасида бундай қарор қабул қилинди: Совет Иттифоқи нефть саноати, электростанциялар, машинасозлик ва транспорт соҳасида консультация бериш учун совет мутахассисларини юбориш йўли блан ва озиқ-овқат учун ишлатилмайдиган хомаш'ё базасида синтетик каучук ишлаб чиқариш ҳақидаги проект-техника ҳужжатларини топшириш, нефть, трактор, кемасозлик, машинасозлик саноати ва саноатнинг бошқа тармоқлари учун керакли машина-ускуналарни ишлаб чиқаришга доир чертёжларни топшириш йўли блан Руминия Халқ Республикасига ишлабчиқариш-техника ёрдами кўрсатади.

Айни бир вақтда Совет Иттифоқи кончилик ишларини механизациялаш, темир йўл транспортининг муваффақиятлари блан, маккажўхори экстракти ва глюкоза, сульфит целлюлозаси тайёрлаш блан ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш масалалари блан танишиб чиқиш учун Руминия мутахассисларини қабул қилади.

Руминия Халқ Республикаси электротехника, химия, ўрмон саноати ва саноатнинг бошқа тармоқларида ишлатиладиган машина-ускуналарни ишлаб чиқаришга доир техника ҳужжатларини Совет Иттифоқига топширади.

Руминия Халқ Республикаси совет мутахассислари группасини саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ, хўжалиги ва соғлиқни сақлаш ишлари соҳасидаги техника муваффақиятлари блан таништиради.

Олтинчи сессия дўстона, ҳамжиҳатлик вазиятида иш олиб борди.

Совет делегацияси Комиссиянинг олтинчи сессияси ишлари давомида Руминия Халқ Республикасидаги бирқанча саноат корхоналари ва маданий-оқартув муассасаларининг ишлари блан танишиб чиқди.

Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар ҳамда касалликлардан карантин ва ҳимоя қилиш юзасидан Совет-Афғонистон конференцияси

9 сентябрьда СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигида қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар ва касалликлардан карантин ва ҳимоя қилиш юзасидан XII Совет-Афғонистон конференцияси очилди.

Бундай конференциялар ўсимликларнинг зараркунандаларига қарши кураш тўғрисида 1935 йилда Совет Иттифоқи блан Афғонистон ўртасида тузилган битимга мувофиқ ҳар йили ўтказилади. Бу конференцияларда ҳар иккі мамлакат бир йил мобайнида қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этадилар, ҳарбир мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги учун муҳим бўлган янги тадбирлар белгилаб чиқилади.

Конференциянинг ишида Афғонистон деҳқончилик министрлиги қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашучи бошқармасининг бошлиғи Муҳаммад Карим Зиёий жаноблари (делегация бошлиғи) ва ўсимликларни ҳимоя қилучи мутахассислардан Мажидий жаноблари ва Абдулла жанобларидан иборат составда Афғонистон делегацияси қатнашмоқда.

Конференцияда совет томонидан СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг ўсимликларни карантин ва ҳимоя қилиш бўйича бош давлат инспекциясининг бошлиғи В. В. Косов (делегация бошлиғи), ўсимликларни ҳимоя қилиш Бутуниттифоқ институти директорининг ўринбосари Е. М. Шумаков, ўсимликларнинг зараркунандалари ва касалликларига қарши курашучи мутахассислардан П. В. Сазонов, И. Ф. Снеговский ва В. Н. Оболенскийлардан иборат составдаги делегация қатнашмоқда.

Конференция бирнеча кун давом этади. Конференцияда чигирткага қарши, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандалари ҳамда касалликларига қарши Совет Иттифоқи блан Афғонистоннинг биргаликда кўрадиган тадбирлари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинади.

9 сентябрь кечқурун СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Афғонистон делегацияси шарафига қабул маросими ўтказди. (ТАСС).

Суратда: М. Горький номидаги маданият ва истироҳат боғида.

Н. Меламед фотоси.

Қурол-яроғларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлашга доир муҳим масалалар юзасидан бир фикрга келиш керак

БМТ қуролсизланиш комиссиясининг кичик комитетида

НЬЮ-ЙОРК, 8 сентябрь. (ТАСС). 7 сентябрьда БМТ қуролсизланиш комиссияси Кичик комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда Совет Иттифоқининг вакили А. А. Соболев раислик қилди.

Ма'лум бўлишича, Кичик комитетнинг қатнашчилари Франция бош министри Э. Форнинг Женева кенгашида баён қилган ва Франция вакили Жюль Мок томонидан кенгайтирилган шаклда Кичик комитетга тақдим этилган таклифи юзасидан ба'зи мулоҳазаларни айтганлар. Бу таклифда ҳарбий эҳтиёжларга бюджетдан чиқарилаётган маблағларни камайтириш зарур деган фикр баён қилинади ва бу фикрни қўллаб-қувватлаш юзасидан далиллар келтирилади. Совет делегацияси бу таклифлар қизиқарли бўлиб, жиддий суратда ўрганиб чиқишга арзийди, деб ҳисоблайди. Совет делегацияси, деди Соболев, бу таклифларни э'тибор блан, жиддий ўрганиб чиқанда бу масалада Кичик комитет қатнашчиларининг позицияларини бир-бири блан яқинлаштириш ва бир битимга келиш зарур, деган фикрга амал қилади.

Совет Иттифоқи вакили А. Соболев қуйидагиларга э'тиборни жалб этди: ўтган мажлисларда Совет ҳукуматининг контроль қилиш масалалари ҳақида 10 майда киритган таклифларининг, атом энергиясини ишлаб чиқарадиган корхоналарга эга бўлган давлатларнинг тегишли битимларга хилоф суратда, атом қуроли ишлаб чиқариш учун портловчи материалларни кўп миқдорда тўплаши эҳтимоли борлиги тўғрисида гап борган қисми кўп марта далил қилиб келтирилди. Сўнгра, бу таклифда айтилишича, портловчи моддаларнинг тегишли миқдори мавжуд бўлган бир пайтда, атом ва водород бомбаларини ишлаб чиқариш техника жиҳатидан бажарилиши ва кенг миқ'ёсда амалга оширилиши тамомила мумкинлигини э'тиборга олганда, бундай аҳволнинг хавфли эканлиги янада кўпроқ аён бўлиб қолади.

Сўнгра, ҳатто контроль тўғрисида расмий битим бўлган вақтда ҳам ана шу контрольни четлаб ўтиш ва атом ҳамда водород қуролларини яширинча ишлаб чиқаришни уюштириш имконияти, я'ни халқаро контроль остига олиш иложи бўлмаган имконият ана шу тарзда мавжуд бўлади, деган хулоса чиқарилади. Совет таклифида бундай дейилади: бундай вазиятда халқаро конвенцияни имзолаган давлатларнинг хавфсизлигини гарантиялаб бўлмайди, чунки потенциал агрессорнинг тинчликсевар давлатларга қўққисдан атом ҳужуми бошлаш учун атом ва водород қуроли запасларини тўплаш имкони очиб берилган бўлар эди.

Кичик комитетнинг кечаги мажлисида ғарб давлатларининг ба'зи вакиллари Совет ҳукуматининг 10 майдаги таклифларининг ана шу бобо муносабати блан дискуссияга янги фактор киритган қандайдир «янги аҳвол» пайдо бўлди, деб да'во қилдилар. Соболев ғарб давлатларининг вакиллари томонидан баён қилинган мулоҳазаларга якун ясаб айтдики, бу мулоҳазаларнинг моҳияти ҳақиқатда Кичик комитет томонидан илгари қилинган ишлардан воз кечишдан иборат эди. Совет вакили тушунтириб айтдики, бу «янги аҳвол»да ҳеч қандай янгилик йўқ ва 10 майдаги совет таклифлари аҳволни ўзгартирмади, чунки бу таклифларда илгари мавжуд бўлган ва Кичик комитетда вакиллари қатнашаётган ҳукуматларга ма'лум бўлган нарсалар қайд қилиб кўрсатилган эди, холос. Шу блан бирга Соболев Франция вакили Ж. Мок томонидан Кичик комитет мажлисларидан бирида хавфсираб айтилган гапларга ва АҚШ президентининг шу йил 6 июльда баён қилган ҳамда Ж. Мок ўқиб берган баёнотга э'тиборни жалб этди. Бу баёнотда ҳам контрольни четлаб ўтиш ва атом корхоналарида ба'зи ортиқча портловчи моддаларни ишлаб чиқариш ҳамда шу портловчи моддалардан бомбалар тайёрлаш учун фойдаланиш эҳтимоли ҳақида гап борди.

СССР вакили Совет ҳукумати 10 майдаги таклифларини киритишдан илгариёқ АҚШ ҳукумати номига юборилган ноталаридан бирида ана шу хавфга э'тиборни жалб этганлигини ҳам кўрсатди.

Совет вакили Совет Иттифоқи 10 майдаги таклифларда кўрсатилган контрольни четлаб ўтиш эҳтимоли борлигини э'тиборга олиб, таклиф этилаётган тадбирларнинг амалга оширилишини қай юсунда та'минламоқчи бўлади, деган саволга жавоб берди. Совет вакили айтдики, бир томондан, Совет ҳукумати 10 майдаги таклифида контрольни четлаб ўтиш ва атом қуролини яширинча ишлаб чиқаришни уюштириш эҳтимоли борлигига э'тиборни жалб этганлиги блан, иккинчи томондан, Совет ҳукуматининг, қурол-яроғларни камайтириш ҳамда атом қуролини тақиқлаш программасининг амалга оширилишини та'минлайдиган халқаро контроль ўрнатиш тамомила мумкин, деб ҳисоблаётганлиги ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқ. Совет ҳукумати қуролсизланиш устидан самарали контроль ўрнатиш мумкин эканлигига гоят ишонади. Бу эса Совет ҳукуматининг нуқтан-назари бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади ҳамда Совет ҳукуматининг кўраётган тадбирлари ана шундай контроль ўрнатишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ғарб давлатларининг вакиллари контроль масалалари юзасидан баён қилинган 10 майдаги совет таклифларини далил қилиб келтириб, бу таклифлардан ба'зи абзацларни ўқиб бериш блан чекландилар ва Совет ҳукуматининг ана шундан чиқарган хулосаларига тўхталиб ўтмадилар. Совет ҳукумати ана шу контрольни четлаб ўтиш ва атом ҳамда водород қуролини яширинча ишлаб чиқаришни уюштириш эҳтимоли, я'ни халқаро контроль остига олиш иложи бўлмаган ва бундай шароитда халқаро конвенцияни имзолаган давлатларнинг хавфсизлигини гарантиялаш мумкин эмаслигини та'кидлайди ва шуни э'тироф этади.

Ана шу гаплардан, бир давлатнинг бошқа давлатга қўққисдан атом ҳужуми бошлаши эҳтимолини йўқотиш зарур, деган хулоса чиқарилади. Бундай вазифанинг ҳал этилиши халқларнинг осойишта яшаши учун шароит вужудга келтиришга ёрдам берган бўлар эди, давлатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган ишончсизликни бирмунча йўқотган бўлар эди ва қурол-яроғларни камайтириш ҳамда атом қуролини тақиқлаш программасини амалга ошириш учун мустаҳкам замин тайёрлаган бўлар эди.

Қуруқликдаги йирик кучларни, ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий денгиз кучларини кенгайтирмай ва тўплаб турмай, ҳозирги замон урушини олиб бориш мумкин эмаслиги ҳаммага ма'лум. Қуролли кучларнинг барча турлари актив ҳаракат қилмай туриб, атом қуролининг ўзи самарали натижа бераолмайди, чунки атом қуролининг ўзигина урушнинг оқибатини ҳал этмайди. Шу сабабдан, деди Соболев, контроль қилиш ҳақидаги совет таклифлари ҳарқандай давлатнинг агрессив ниятларини ўз вақтида билиб олиш ва унинг олдини олиш имконини берадиган шароитни вужудга келтириш зарурлигига асосланади. Совет ҳукуматининг 10 майдаги таклифларида қуруқликдаги кучларнинг, ҳарбий ҳаво кучлари ва ҳарбий денгиз кучларининг хавфли суратда тўпланишига ўз вақтида огоҳлантираоладиган контроль ўрнатиш таклиф этилади. Бунинг учун йирик портларда, аэродромларда ва стратегия аҳамиятига эга бўлган коммуникация узелларида контроль постлари бўлиши зарур.

СССР вакили яна шунга э'тиборни жалб этдики, уруш бошланган тақдирда гоят кўп вайронгарчилик келтиручи атом ва водород қуроли блан бир қаторда ҳарқандай катта урушнинг оқибати учун ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлган кўпмиллионли армиялар ва кўп миқдордаги оддий қурол-яроғлар муқаррар суратда уруш ҳаракатларига тортилган бўлар эди. Бундай контрольнинг ўрнатилиши бир давлатнинг бошқа давлатга қарши қўққисдан ҳужум қилиш хавфини тамомила йўқотади. Бу чора халқларнинг тинч ва осойишта яшаши учун шароит вужудга келтириш йўлида муҳим қадам бўлар эди, бу эса давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлашга кўп ёрдам берган бўлар эди.

Совет таклифлари қуролли кучларни ва одатдаги қурол-яроғларни камайтириш устидан ҳамда ҳарбий эҳтиёжларга маблағ чиқариш устидан самарали контроль ўрнатишни ҳам кўзда тутади. Шу мақсадларда тузилган халқаро контроль органи қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтириш соҳасидаги тадбирларнинг амалга оширилиши тўғрисидаги зарур ма'лумотларни давлатлардан талаб қилиб олиш, давлатларнинг ҳарбий эҳтиёжлар учун бюджетдан чиқарадиган маблағларига доир материалларни мони'сиз кўздан кечириш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Совет вакили айтдики, самарали контроль ўрнатиш вазифасини ҳал этганда, ҳозирги вақтда вужудга келган халқаро вазиятни назарга олиб иш кўриш керак. Кичик комитетнинг барча қатнашчилари ҳозирги вақтда давлатлар ўртасидаги муносабатларда зарур ишонч йўқ деб, та'кидладилар. Соболев бундай деди: бир-бирларига ишонмайдиган ва ўзаро кескин муносабатларда бўлган давлатлар ўз ҳарбий заводларига, атом материаллари ва атом ҳамда водород қуролини ишлаб чиқарадиган корхоналарига бошқа мамлакатлар контролёрларининг киришига йўл қўйилар, деб ўйлаш, маҳолдир. АҚШ президенти яқинда худди шундай гумон ва шубҳалари борлигини айтди.

Совет ҳукумати контроль қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этишга шу тарзда қарайдики, бир томондан, давлатлар ўртасида ишонч ўрнатиш учун зарур шарт-шароитларнинг вужудга келтирилиши та'минлансин ва иккинчи томондан, бир давлатнинг бошқа давлатга қўққисдан ҳужум қилишининг олдини олиш вазифалари ҳал этилсин. Совет ҳукумати халқаро контроль ўрнатиш тўғрисидаги ва халқаро контроль органнинг ҳуқуқлари ҳамда ваколатлари тўғрисидаги масалани халқаро кескинликни камайтириш, давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш блан ва қурол-яроғларни камайтириш ҳамда атом қуролини тақиқлашга доир бошқа тадбирларни кўриш блан маҳкам боғлаб ҳал этиш зарур, деб ҳисоблайди.

Совет Иттифоқининг вакили айтдики, қуролсизланиш программасининг биринчи даври учун кўзда тутилган тадбирларнинг, я'ни қурол-яроғларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлаш соҳасидаги барча тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида давлатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган ишонч анча мустаҳкамланади. Бунинг натижасида халқаро контроль ўрнатиш йўлида, шу жумладан атом қуролини доимий асосда йўқотиш ва исте'молдан чиқариб ташлаш устидан ҳам контроль ўрнатиш йўлида шундан кейинги қадамни қўйиш учун зарур шароит вужудга келтирилади. Бу тадбирнинг батафсил мазмуни асосан бир битимга келинганидан кейин махсус инструкция блан белгиланиши лозим. Совет ҳукумати томонидан таклиф этилган контроль тўғрисидаги масалани ҳал этишга янгича қарашнинг моҳияти шундан иборатки, контроль органининг ҳуқуқ ва ваколатлари қуролсизланиш программаси бажарилаборган сари ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ишонч муҳитини вужудга келтириш мақсадини кўзда тутган тадбирлар амалга оширилаборган сари кенгайиб боради.

Соболев контроль қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш йўлида шу вақтгача қилинган ҳамма уринишлар масалага реал кўз блан қарамаслик натижасида муваффақиятсиз чиққанлигини кўрсатди. Контроль қилиш тўғрисидаги масала юзасидан Кичик комитетга киритилган таклифлар ҳозирги вақтда давлатлар ўртасида вужудга келган муносабатларни э'тиборга олмади. Ишончсизлик ва гумонсираш блан характерланган муносабатлар шу вақтгача таклиф этилган базада самарали контрольни амалга ошириш учун имкон бермайди. Контроль қилиш масаласида ғарб давлатлари томонидан киритилган таклифларнинг хусусияти шундан иборат бўлдики, бу таклифларда қурол-яроғлари ва қуролли кучларни қисқартириш йўлидаги ҳарқандай тадбирларни амалга оширишдан аввал, ана шу қурол-яроғларни ва қуролли кучларни аниқлаш ва текшириш кўзда тутилган эди. Ғарб давлатларининг таклифлари қурол-яроғлар ва қуролли кучлар аниқланганидан ва текшириб чиқилганидан кейин уларнинг қисқартирилиши учун ҳам ҳеч қандай гарантия бермайди. Конвенцияда тадбирларни амалга оширишнинг муайян муддатлари белгиланганидан сўнг, бутун программа муддатсиз ва номуайян характерда бўлади. Бу жиҳатдан Совет ҳукумати таклифларининг муҳим афзаллиги шундаки, бу таклифларда конкрет муддатлар кўрсатилган. Бу эса конвенцияда қатнашучи давлатларнинг конвенция юзасидан олган ўз мажбуриятларини аниқ билишларига ва бу мажбуриятларни амалга ошириш учун тегишли чораларни кўришларига имкон беради.

Ма'лум бўлишича, ғарб давлатларининг Кичик комитетдаги вакиллари СССР вакилининг баёнотини ўрганиб чиқажакларини ва ўз позицияларини Кичик комитетнинг бундан кейинги мажлисларида баён қилажакларини билдирганлар.

Софияда парад ва намойиш

СОФИЯ, 9 сентябрь. (ТАСС). Бугун болгар халқи ўз миллий байрамини — Болгария фашизм асоратидан қутқазилган ва мамлакатда халқ ҳокимияти ўрнатилган куннинг 11 йиллигини байрам қилмоқда. Болгариянинг ҳамма шаҳарларида меҳнаткашларнинг оммавий намойишлари бўлиб ўтди.

Бугун София қуёш нурига чўмган эди. Эрта блан барвақт кўпминг кишилик намойишчилар колонналари халқ байрамлари ўтказиладиган традицион жой-9-нчи сентябрь майдонига қараб йўл олдилар. Буерда София гарнизонининг қўшинлари парадда қатнашиш учун сафга тизилиб турар эди. Меҳмонлар учун ажратилган трибуналарда мамлакатнинг донгдор кишилари, Болгария Коммунистик партияси Марказий комитети ва ҳукуматининг а'золари, Халқ мажлисининг депутатлари, Халқ армиясининг генераллари, четэл делегациялари, СССРнинг Болгариядаги элчиси Ю. К. Приходов ва Софиядаги бошқа элчихоналар ҳамда миссияларнинг бошлиқлари ва а'золари бор эди.

Эрта блан соат тўққизда Болгария Коммунистик партияси ва ҳукуматининг раҳбарлари Георгий Дамянов, Антон Югов, Георгий Чанков, Райко Дамянов, Тодор Живков, Енчо Стайков, Иван Михайлов, Георгий Трайков Георгий Димитров мавзолей трибунасига чиқадилар. Мавзолей трибунасида байрамга қатнашиш учун Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар — 1877—1878 йилларда Болгарияни Туркия зулмидан озод қилишда рус қўшинлари составида қатнашган К. В. Хруцкий, шунингдек Пловдивдаги 16-нчи халқаро ярмарканинг очилиш маросимига келган совет делегациясининг бошлиғи, СССР озиқ-овқат товарлари саноати министри В. П. Зотов ва Пловдив ярмаркасининг очилиш маросимига келган бошқа мамлакатлар делегацияларининг бошлиқлари ҳам бор.

Халқ мудофааси министри армия генерали П. Панчевский қўшинлар сафини айланиб чиқади. У мавзолей трибунасига чиқиб нутқ сузлайди ва Болгария Коммунистик партияси Марказий комитети ҳамда Болгария ҳукуматининг топшириғига мувофиқ, болгар халқини 9 сентябрь байрами блан табриклайди. Артиллерия салюти гумбурлайди. Шундан кейин, Халқ армияси қисмларининг тантанали марши бошланади.

Параддан кейин намойишчиларнинг байрам колоналари майдонга кириб келадилар. Колонналар устида байроқлар хилпилламоқда. Намойишчилар Маркс, Энгельс, Ленин, Сталиннинг портретларини, Георгий Димитровнинг, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Болгария Коммунистик партияси раҳбарларининг портретларини кўтарганлар. Меҳнаткашлар кўтариб бораётган жуда кўп транспарант ва шиорларда Болгария пойтахти аҳолисининг ишлабчиқариш соҳасида эришган муваффақиятлари кўрсатилган. Бу транспарант ва шиорлар тинчлик учун, Болгария-Совет дўстлигини мустаҳкамлаш учун, социализм қурилишида янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун курашга чақиради. Байрам намойиши бирнеча соат давом этди.

СОВЕТ АРТИСТЛАРИ ДАМАШҚҚА ЖЎНАБ КЕТДИ

9 сентябрьда Москвадан Дамашққа (Сурия) бир группа совет артистари самолётда учиб кетди. Улар Дамашқда ҳар йили ўтказиладиган ва яқинда очилган традицион ярмаркада концертлар қўйиб берадилар. Ярмаркада бериладиган концертларда бошқа бирқанча мамлакатларнинг артистлари ҳам иштирок этадилар.

Совет артистлари группаси составида Ўзбекистон опера ва балет театрининг солистлари СССР халқ артисти Х. Носирова ва Ўзбекистон ССР халқ артисти раққоса Г. Измайлова, СССР Большой театрининг балет солистлари РСФСРда хизмат кўрсатган артист И. Тихомирнова ва Г. Лехалқаро конкурсларнинг лауреати пианиночи Т. Гусева, Венявский номидаги халқаро скрипкачилар конкурсининг лауреати Киев филармониясининг солисти О. Пархоменко, Москва эстрадасининг солисти ашулачи А. Соленкова, Ўзбекистон опера ва балет театрининг доирачиси А. Бараев, жўр қилучи пианиночилар Г. Максимова ва Д. Ашкенази бор. Делегацияга А. А. Холодилин бошчилик қилмоқда. Группа икки ҳафта давомида тамошалар беради.

Совет артистлари Ливанда бирнеча марта концерт қўйиб беришни мўлжаллайдилар. (ТАСС).

ЧЕХОСЛОВАКИЯДА ШАХТЁРЛАР КУНИ

ПРАГА, 9 сентябрь. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлиги билдиради: 8 сентябрьда Прагада ўтказилган тантанали мажлисда Шахтёрлар куни нишонланди. Тантанали мажлисда кўмир шахталари ва конларининг энг яхши ходимлари, ҳукумат вакиллари ва Миллий фронт составига кирган барча партия ва ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек Чехословакия жамоатчилиги ва маданият вакиллари ҳозир бўлдилар.

Тантанали мажлисда Совет Иттифоқи, Польша ва Германия Демократик Республикасидан келган кончилар делегацияларининг раҳбарлари ҳам ҳозир бўлдилар.

Мажлисда Ёқилғи саноати министри Иозеф Ионаш кончилар ва техникларнинг ишларига якун ясади ва 1954 йилда кўмир чиқариш плани бажарилганлигини, шахтёрлар мамлакатга пландан ташқари 1 миллион 373 минг тонна кўмир берганликларини та'кидлади. Шу йилнинг дастлабки етти ойи мобайнида кўмир чиқариш плани 100,2 процент бажарилди. Шу блан бирга, кўмир чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5,7 процент кўпайди.

Ионаш ёқилғи саноатида социалистик мусобақа ривожланганлигини кўрсатди ва мусобақа давомида жуда яхши ходимлар, ўз касбининг моҳир усталари бўлиб етишганлигини уқтириб ўтди.

Шундан кейин, бош министрнинг биринчи ўринбосари Яромир Доланский Чехословакия Республикасининг президенти А. Запотоцкий номидан Ян Шверма номидаги шахтанинг кончиларига республика президентининг кўчма байроғини топширди.

Яромир Доланский Чехословакия Коммунистик партияси Марказий комитети ва Миллий фронт ҳукумати номидан шахтёрлар ва кончиларга фидокорона ишлаганликлари учун ташаккур билдирди.

Четэл делегацияларининг раҳбарлари ҳам тантанали мажлис қатнашчиларини табрикладилар.

Тантанали мажлис охирида концерт қўйиб берилди. Бу концертда шахта, завод клубларининг а'золари қатнашдилар.

ПОЛЬША-СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ОЙЛИГИ

ВАРШАВА, 9 сентябрь. (ТАСС). Бугун Польша-Совет дўстлигини мустаҳкамлаш традицион ойлиги бошланди. Мамлакатнинг шаҳарлари ва қишлоқларида, саноат корхоналари ва маданият уйларида ойликнинг очилишига бағишлаб тантанали мажлис ва кечалар ўтказилди.

Марказий газеталарнинг ҳаммаси бугунги сонида ойликнинг бошланишига бағишланган бошмақола ва редакцион мақолаларини босиб чиқардилар. «Трибуна люду» газетаси кейинги йилларда поляк халқини совет маданияти блан таништиришда анча катта муваффақиятлар қўлга киритилганлигини та'кидлайди. 1953 — 1955 йиллар мобайнида Польшада рус классик ёзувчилари ва совет ёзувчиларининг 2 мингдан ортиқ асари нашр этилди. Уларнинг умумий тиражи 32 миллион нусхадан ортиқдир. Театрлар ана шу йиллар ичида 140 дан ортиқ рус ва совет пьесаларини саҳнага қўйдилар.

«Трибуна люду» газетаси ёзади: Совет Иттифоқи блан дўстлигимизни кучайтириш ва мустаҳкамлаш — жаҳон миқ'ёсида тинчлик учун олиб борилаётган курашга қўшаётган ҳиссамиздир. Бу — мустақиллигимизнинг энг яхши гарантиясидир, бу, — герман милитаризмининг қайтадан тикланишига қарши курашда бизнинг қуролимиздир.

И. Е. Репин вафотининг 25 йиллиги

Шу йил сентябрь ойининг охирида улуғ рус рассоми Илья Ефимович Репининг вафот этган кунига 25 йил тўлади. Совет халқи рус халқининг улуғ фарзанди хотирасини ҳурмат блан эсга олади.

Улуғ реалист рассомнинг ижодий мероси рус миллий сан'ати хазинасига қўшилган қиммат баҳо ҳисса бўлиб совет халқи бу мерос блан ҳақли равишда фахрланади.

Тошкент шаҳрининг рассомлар жамоатчилиги И. Е. Репин вафот этган кунни муносиб нишонлашга тайёрланмоқда. Ўқув юртларида ва сан'ат муассасаларида унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган виставкалар ташкил этишга, улуғ рассомнинг бадиий мероси ҳақида илмий конференциялар ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон ССР Давлат сан'ат музейи шу кунларда И. Е. Репининг ажойиб тасвирий сан'ат асарларини намойиш қилиб кўрсатиш юзасидан кўпгина тадбирларни амалга оширмоқда. Музейда унинг 1917 йилда ишлаган энг яхши асарларидан бири—«Карикатурачи Ремизов» портрети, «Эркак» портрети, «Қизлар» портрети, «Айвондаги қиз» каби картиналари сақланмоқда.

Бундан ташқари музейда рассомлар союзи, В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университети, Тошкент бадиий билим юрти томонидан И. Репин ижодига бағишланган илмий конференциялар ўтказиш юзасидан жиддий тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

О. АПУХТИН.

Дам олиш кунларида

Тошкентдан 11 километр узоқда, гоят манзарали жойда қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ходимлари дам олиш уйининг корпуси ва ёзлик палаткалари жойлашган. Бу ерда қишлоқ хўжалик мутахассислари ва хизматчилари, механизаторлар, чорвадорлар, қишлоқ хўжалик илмий муассасаларининг ходимлари касаба союз путёвкаси бўйича йил бўйи дам оладилар.

Бу дам олиш уйига ўзларининг меҳнат отпускалари вақтида бу ерда ма'лум муддат мобайнида дам олаётганлардан ташқари, фақат якшанба кунлари Тошкент шаҳрининг кўпгина хизматчилари ҳам келиб турадилар. Улар ўз оила а'золари блан биргаликда кўмкўк табиат қўйнида хордиқ чиқарадилар, шахмат ва шашка ўйнайдилар, майсазорларда ётиб газета, журнал ва китоблар ўқийдилар.

Қишлоқ хўжалик ва Сув хўжалиги министрликларининг, Совхозлар министрлигининг ходимлари ва хизматчилари, Союзнихи ўсимликлар ҳимояси станциясининг илмий ходимлари ва кўпгина тошкентлилар август ойида шу ердаги биркунлик дам олиш уйида якшанба кунлари мириқиб хордиқ чиқардилар.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/IX да қишки бинода кундуз **Шамсиқамар**, 11/IX да ёзги бинода **Оғриқ тишлар**, 13/IX да **Қутлуғ қон**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/IX да кундуз **Бахт соҳили**, кечқурун **Кармен**, 13/IX да **Травиата**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 2, 4 кеч 6 ва 7 — 45 минутда) — янги бадиий фильм **Лимеривна**.

«РОДИНА» — эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 10 да **Разведкачининг жасорати**.

«ИСКРА» — эрталаб соат 9 — 40 минутда **Максимка**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да **Олтин олмалар**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кеч соат 6 дан **Дўндиқ**.

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — кеч соат 9 дан **Бағдод ўғриси**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ номли — **Лимеривна**.

«ХИВА» — **Лимеривна**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА ТЕЗ КУНДА **ҚИШКИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ**

Максим Горький кўчаси, Ҳунарманд проезд, 16-нчи уйда туручи **Саидмурод Исмоиловнинг** Толкўча проезд, Кирпичний тупик, 11-нчи уйда туручи Темирхон Исмоиловадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Москва район, 2-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135 Маданият бўлими — 132 Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040 Қишлоқ хўжалик бўлими — 135 Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р 06782. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № А—1604.